



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, яқшанба кунин Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенларига қуйидаги савол киритилсин: "Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришига розимисиз?"

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1995 йил, 24 февраль.

УЛУҒ МАҚСАДЛАР САРИ

Мен биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси материаллари билан матбуот орқали танишиб чиқдим. Сессияда кўрилган масалалар келажаги порлоқ республикамизнинг ривожланиш босқичида муҳим воқеа бўлади. Айниқса, республика Олий Мажлисининг биринчи йигинида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида"ги маърузаси кўпчиликлари катта таассурот қолдирди. Маърузада мустақил давлатимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши жараёнида бажарилиши зарур бўлган юмушлар, ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг вазифалари аниқ кўрсатиб берилган.

Маърузадаги "Маъсул паппада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига эришади, келажакдан маъмул бўлади. Ва аксинча, келажаги буюк бўлишни истаган миллат ўз тақдирини улуг мақсадга эга, олийжаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади" дейилиши ҳақ гап.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги фикримнинг исботидир. Ўтказиладиган референдумда халқимизнинг ота-боболаримиз орзу қилган мустақил давлатимизнинг дастлабки йилларида содир бўлиши мумкин бўлган отир даврдан беталофат олиб чиқаётган фарзандига бўлган муносабати акс этади. Президентимиз амалга ошираётган сиёсатга кўпчилик тан бермоқда. Кўп сонли пенсонерларга, боқувчисини йўқотган қарияларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан барча миннатдор.

Албатта, Президент ваколатлари муддати билан Олий Мажлис ваколатлари муддатини мувофиқлаштириш мамлакатимиз раънақини янада жадаллаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун мен референдумда Президентимиз Ислам Каримов ваколати узайтирилишига овоз бераман.

Қодирхон АБУЛҚОСИМОВ,
Пискент туманидаги Охунбоев
номли жамоа ҳўжабойи
пенсонери.



Тошкент вилоятининг Красногорск шаҳридаги Ўзбекистон билан Швейцариянинг "Агама" қўшма корхонаси ташкил топганига унча кўп бўлгани йўқ. Бу ерда икки юзга яқин киши иш билан таъминланди. Янги корхонанинг маҳсулотлари эса сифатлидиги билан кўпчиликнинг таъсирини сазовор бўлаётди. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 60 фоизини кўшни давлатларга экспорт қилмоқда.

Суратда: тўқувчи Санобар Раимжоновна.

Даврон АХМАД олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Республикамиз меҳнаткашлари, Ўзбекистон халқи ўтган ҳафта тараққиётимизнинг янги босқичини, тарихимизнинг янги даврини бошлаб берган муҳим воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи қақриқ биринчи сессияси бўлиб ўтди. Эҳтимол, одатий кундалик ташвишларимиз билан бўлиб, ҳаммамиз ҳам бўлиб ўтган бу воқеанинг тарихий аҳамиятини теран ҳис эта олмагандирмиз. Лекин ишончим комилки, порлоқ истиқболимизни бунёд этувчи авлодлар ҳали бу сананинг буюк тараққиётимиз таянч нуқталаридан бири сифатидаги аҳамиятини қайта-қайта такрорлайдилар, бундан янги куч, илҳом оладилар...

Мустақил Ўзбекистон парламентиининг илк таъсис йигинига мамлакатимиз тарихида биринчи бор

кўппартиявийлик ва демократик асосда ўтказилган сайловларда голиб чиққан, асосан чинакам обрў-этиборга сазовор бўлган халқ вакиллари тўпланган эдилар. Республикаимиз олий қонунчилик органининг жаҳон андозаларига мос келадиган демократик асослари шаклланиган шу кунларнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Парламентимиз эндиликда ҳокимият ваколатли органларидан сайланган депутатлар блоки, Халқ демократик партияси вакиллари, "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда "Ватан тараққиёти" партияси аъзоларидан ташкил топган уч фракциядан иборат бўлиб қолди. Бунинг маъноси шуки, бундан буён Олий Мажлис қабул қиладиган мамлакатимиз, халқимиз тақдирини белгилаб берувчи қонунлар мамлакат ахли турли табақалари манфаатлари тўла ҳисобга олинган ҳолда юзага келадиган бўлади. Шундай қилиб, турли блок ва фракцияларнинг гоя ва фикрлари кураши ва оқилона бир тўхтамга келиш, энг

мураккаб масалаларни ҳал этишининг мақбул ва матлуб йўлларини аниқлаш имконияти тўла яратилди.

Шу билан жаҳоннинг йирик олимлари эътироф этган ва энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган Конституциямизга мувофиқ равишда вакиллик ҳокимиятининг асосий тизимларидан бири ташкил топди. Ушбу ҳокимиятнинг яна икки устуни — ижроия ва суд тармоқлари ҳам жамиятимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётига ҳамоханг равишда тақомиллашиб бормоқда. Амалда ҳуқуқий-демократик давлат пойдевори тўлиқ шаклланди.

Мустақиллик эндигина қўлга киритилган даврларда босқичма-босқич ҳуқуқий-демократик давлат қурилишига ишончсизлик билан қараганлар ҳам бўлганди. Бироқ кўпчилик — халқимиз бу йўлга ишонди ва биз бугунги натижага эришдик. Эндиликда қўлга киритган муваффақиятларимизни мустахкамлаш, яъни демократик одил жамият — фуқаролик жамиятини қуриш, унинг асосларини вужудга келтириш йўлига

чиқиб олдик.

Маълумки, мамлакатимизда демократик жараёнлар чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилмоқда. Президентимиз кўп марта таъкидлаганидек, ўтиш даврида ислохотларнинг бош ташаббускори ҳам, уларни амалга оширувчи ҳам аввало давлатдир. Янги давлат Республикаимизда рўй бераётган барча иқтисодий жараёнларни шахсан бошқармоқда.

Собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетиши билан иқтисодий алоқалардаги узилишлар ҳамдўстликнинг ҳамма мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мураккаб вазиятни вужудга келтиргани маълум. Шундай шароитда иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар киши, Россияда ёки Шарқий Европа мамлакатларида ишлаб чиқилган турли иқтисодий дастурлардан андоза олиб иш юритиш тақлифлари билан чиқувчилар ҳам бўлди.

Лекин бизнинг мамлакатимиз ички тарихий шарт-шароитларидан, халқимизнинг доимий анъаналаридан келиб чиқиб, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва демократик вазиятни ҳисобга олиб, ўзига хос ва мос йўлни танлади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич, аста-секинлик билан, ёрдамга муҳтож ижтимоий қатламларни моддий қўллаб-қувватлаб турган ҳолда амалга оширишга қатъият билан киришилди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг истиқболли дастурлари ишлаб чиқилди. Республикаимиз Президентини кўп марта такрорланганидек, бу соҳада халқимизнинг "етти ўлчаб бир кес" деган мақоли асосида иш кўрилди. Яъни дастлаб бозорга хос янгиланишларнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди — бозор муносабатларини шакллантирувчи муҳим қонунлар, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Минг шукрки, чуқур илмий таҳлилларга асосланган иқтисодий сиёсат самаралари 1994 йилдаёқ қўлга ташлана бошлади. Масалан, нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан 2 баравар кўпайди, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. Айниқса, биз учун энг фахрли натижа — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларда сифат ўзгариши юз берди. Яъни ўзаро савдо алоқаларида ижобий сальдога эришилди — мамлакат ичкарисига сотиб олиб келинган маҳсулотларга қараганда ташқарига сотилган маҳсулотларнинг кўпроқ бўлиши таъминланди. Ялпи ташқи савдо обороти 1993 йилга нисбатан 5,5 фоизга кўпайиб, 3 млрд. 800 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Иқтисодиёт соҳасида эришилган натижалар салмоғини фақат қиёслаш орқали тўла тасаввур этиш мумкин. Чунотки, республикамизда ялпи ички маҳсулот 1991 йилга нисбатан 17 фоизга камайган. Бу кўрсаткич Қозғистонда 43, Россияда 39, Украинада 40, Белорусда 35 фоизни ташкил этган.

Саноат маҳсулотлари ҳажми эса, Ўзбекистонда 1991 йилга нисбатан атиги 2 фоиз камайган бўлса, Қозғистонда 48, Россияда 44, Украинада 38, Белорусда 32 фоизга камайиб кетган. Айни пайтда 1994 йилда бизда саноат ўсиши суръатлари 1993 йилга нисбатан 101 фоиз бўлди. Ўтган йилнинг декабрида инфляциянинг энг паст даражасига эришилди.

Эришилган бу натижаларнинг барчаси республика Президентини раҳбарлигидаги ижроия ҳокимиятининг мамлакатни буюк истиқбол йўлидан оғишмай бошлаб бораётгани, чуқур илмий асосга эга бўлган иқтисодий сиёсатнинг самараларидир. Бу натижалар айни пайтда хотиржамлик қайфиятига асос бўла олмайди. Олдинда турган вазифалар бундан ҳам мураккаб ва залворли — халқимизнинг тўқ, фаровон, муносиб ҳаёт кечирishiни таъминлашдан, тараққиётнинг энг илгор даражаларига эришишдан иборат. Ана шу масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этишнинг узок муддатли аниқ истиқбол режалари ишлаб чиқилган ва улар асосида сабот-матонат, қатъият билан иш олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

КЕНГАЙТИРИЛГАН РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда касба уюшмаларининг республика Олий Мажлиси биринчи сессиядаги Президентимиз Ислам Каримов маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

Маърузада акс этган қонда ва ҳулосалардан келиб чиқадиган вазифалар асосида касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг тадбирлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Барча касба уюшмалари ташкилотларига Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлиси таъсис сессиясидаги "Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида"ги маърузасини касба уюшма аъзолари республиканинг барча меҳнаткашлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, бунда унинг келажаги буюк демократик давлатни барпо этишнинг дастурий йўналишларини белгилаб берувчи ҳужжат сифатидаги аҳамиятига алоҳида эътибор бериш иш қўриш топширилди.

Шу мақсадда меҳнаткашларини ишлаб чиқариш жараёнларида, меҳнат унмудорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги технологияларни жорий этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда касба уюшмаларининг фаол иштироки талаб қилинади. Айни пайтда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мулқини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг янги босқичида меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари ва иқтисодий-ижтимоий манфаатларини кенг ҳимоя қилиш касба уюшмаларининг долзарб вазифалари эканлиги таъкидланди.

Қабул қилинган қарорда касба уюшма ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентини ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ референдумига тайергарлик ва уни ўтказишда касба уюшмалари аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашга даъват этилдилар.

белгиланиб, даромадлардан олинадиган солиқлар прогрессив ставкасининг чекланган миқдори 45 фоиздан 40 фоизгача камайтирилган.

БИРИНЧИ қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан Эркин Хамидович Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси этиб сайланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Олий Мажлиси Кўмиталарининг раислари сайландилар.

МАТБУОТДА "Ўзбекистон

Республикаси Референдуми ўтказиладиган округларни тузиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг қарори эълон қилинди.

ВАЗИРЛАР Маҳкамасида республикада савдони эркинлаштириш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда "Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Республикада ҳукуматининг шу масалага оид бошқа қарорларининг бажарилиши юзасидан "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашуу", "Ёғмойтамаксавоат" уюшмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-

лар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахборотлар тизиланди ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республика Президентини Ислам Каримов Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Махмуд Вазийни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ҳамкорлиқни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентини Ислам Каримовни Ийд ал-Фитр байрами муносабати

билан бир қатор мусулмон давлатлари раҳбарлари самимий кутлаб, ўз эзгу тилақларини йўладилар.

МОЛДОВА Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Николай Дуду республикаимиз Президентини Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Валюта биржасида 1 март кунини бўлиб ўтган савдода бир АҚШ долларининг қиймати — 25 сўм даражасида қайд этилди. Махсус пул алмаштириш пунктларида 1 АҚШ долларини сотиб олиш қиймати — 25 сўм, сотиш қиймати ҳам 25 сўм қилиб белгиланди.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентини "Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар даражасини камайтириш тўғрисида" Фармон чиқарди. Унда 1 мартдан бошлаб фуқаролар даромадининг солиқ олинмайдиган энг кам миқдори ойига 300 сўм қилиб

Ўзбекистон касаб уюшмалари 70 йиллиги ва XV Қурултойи олдидан



— Шариф Камолович, мустақил республикамиз истиқлол йўлидан дадил бораётган бир пайтда касаб уюшмаларининг ўрни ва хизмати нимадан иборат бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Гапни муддаодан бошлаганимиз яхши. Чунки мамлакатимизнинг эртанги кун, келажаги аниқ шу ислохотларга боғлиқ. Мустақиллик тақдирини ҳал бўлаётган маъсулиятли паллада жамиятимиздаги энг оммавий ташкилотлардан бири саналган касаб уюшмалари четда туриши мумкинми? Аксинча, улар ана шу курашнинг олдинги сафида бўлишлари, хайрли ташаббус ҳамда некин ҳаракатларни қўллаб-қувватлашлари, Президент фармонлари ижросини таъминлашда қатъият кўрсатишлари лозим.

Бозор муносабатлари чуқурлашгани сайин одамлар жамоат ташкилотларининг мадади ва ёрдамига кўпроқ эҳтиёж сезаяптилар. Айтиш жоизки, кейинги йилларда меҳнат ва мусобақани ташкил этиш, ижтимоий муҳофаза, аҳоли саломатлиги, бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан муайян натижаларга эришилди. Белги-ланган тадбирларни амалга оширишда вилоят ҳокимлиги яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Чунончи, ўзаро ҳам-жиахшиликда қабул қилинган “200 кун”, “Биримиз икки бўлсин”, “Барака — ҳаракатда” дастурлари аҳоли таъминотини яхшилаш, истеъмол бозорини тўлдиршида сезиларли аҳамият касб этгани шубҳасиз.

— Дарҳақиқат, ҳамкорликда ҳикмат кўп. Бусиз бирор ишни кўнгилдагидек амалга ошириб

бўлмайди. Энди бевосита кенгаш фаолиятига ўтсак...

— Вилоят ижтимоий ҳаётида касаб уюшмаларининг нуфузи, обрў-эътибори ошиб бормоқда. Мавжуд муаммоларни ҳал қилишда уларнинг тобора кенг жалб этилаётгани фикримизнинг далилидир. Кенгаш таркибидagi тармоқларро кўмиталарнинг асосий эътибори бир мақсадга — аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Бу борада давлат, ҳўжалик тузилмалари, корхона ва ташкилотлар билан тузилган жамоа шартномалари кўл келмоқда. Ҳаётнинг бу мароми ижодий изланишни, меҳнат унумдорлигини оширишнинг

бошқа масалаларда бизнинг туган йўлимиз аниқ. Аммо кўлимизни боғлаб турган баъзи бир муаммолардан кўз юмиб бўлмайди. Бозор муносабатларига ўтиш билан аҳолининг табақаларга бўлиниши турмуш даражасининг пасайишига олиб келаётгани сир эмас. Нима қилиш керак? Бошлангич касаб уюшма ташкилотларига тўла молиявий ҳуқуқ берилиши бу жараёни вилоят кенгаши назорати остида чиқариб қўйди. Натижада пул даромадлари камайди. Сўнгги уч йил ичида аъзолик бадалларининг атиги 2,5 фоизи бизнинг ҳазинамизга келиб тушди. Ҳолбуки, 90-йилларда бу кўрсаткич 12,5 фоиз

Деҳқончилик саноати мажмуи ҳодимлари вилоят касаб уюшма кўмитаси 620 оилани ўз оталигига олган. Уларга ҳар ой 100 — 150 сўмдан моддий ёрдам бериляпти. Бу хайрли тадбир енгил саноат, газ ва нефть, қурилиш ҳодимлари касаб уюшма ташкилотлари, вилоятдаги нон маҳсулотлари, нон ва гўшт комбинатлари, Шофиркон, Жондор, Олот, Пешку, Гиждувон туманларида кенг оммалашаётгани қувончли ҳолдир.

Кейинги йилларда вилоят касаб уюшмалари қарамоғидаги санаторий-профилакторийлар 8 тага, улардаги ўринлар сони эса 485 тага етказилди. Ҳар йили 25-30 минг киши ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тикламоқда. Бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, вилоят кенгаши ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Когон туманидаги “Бухоро” давлат ҳўжалигида янги мактаб қуриб битказилди. Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа ҳўжалигида фаолият кўрсата бошлаган “Варзонзе” ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Ҳозир бу ерда 500га яқин кишлоқ аёллари янги касбларни эгаллаштиради.

Аҳолини иш билан таъминлаш, техника хавфсизлиги, соғлом авлодни камол топтириш, ҳуқуқ муҳофазаси ва бошқа масалалар юзасидан ҳам кўп тер тўкишимизга тўғри келади. Афсуски, ҳали ҳам ноҳақликлар бўлиб туради. Мана, жонли далил: сўнгги беш йил давомида касаб уюшмаларининг фаол аралашуви билан қонунсиз ишдан бўшатилган 220 киши ўрнига тикланди. Меҳнат қонуларини бузган 710 раҳбар ҳодимга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Бу ҳам фаолиятимиз самарасидир.

Мустақиллик тақдир, Ватан келажаги ўз кўлимизда. Ҳозирги қийинчилик ва моддий етишмовчиликлар кўзимизни очди, бизни кўп нарсаларга ўргатди. Қўлни қўлга бериб, бир екадан бош чиқариб ишласак, саводатли кунларни янада яқинлаштирамиз.

Носир ТОШЕВ суҳбатлашди.
“Ишонч” муҳбири.

САОДАТЛИ КУНЛАР ЯҚИН

Ҳаёт тарзи кўз ўнгимизда ўзгариб бораёпти. Янги иқтисодий мезонлар барча соҳада устивор аҳамият касб этиб, эртанги кунга умид уйғотаяпти. Турмуш кечирини енгиллаштириш, одамлар манфаати ва ҳақ-ҳуқуқини кафолатли ҳимоялаш, уларга ҳамкору елкадош бўлиш ижтимоий соҳадаги долзарб масалалар. Касаб уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши раиси Ш. ХАЙРУЛЛАЕВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик:

самарали усулларидан фойдаланишни, мулк шаклини ўзгартиришни тақозо этмоқда. Сўнгги йилларда вилоятдаги 300 та корхона, 3,5 мингта савдо ва маиший хизмат тармоғи ҳисдорлик жамиятига айлантирилди. Хўсусийлаштириш кишлоқ ҳўжалиги тармоқларида ҳам олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят касаб уюшмалари 6,5 мингдан зиёд гуруҳ, 4 мингта цех ва бошлангич ташкилотдан иборат бўлиб, улар ўз атрофига 483 минг аъзони бирлаштирган. Ўтган йилги кўйи ташкилотлардаги ҳисобот-сйллов йиғилишлари ишми-да талайгина камчилик ва нуқсонлар борлигини кўрсатди. Уларни бартараф этиш чораларини кўраёмиз. Ижтимоий ҳимоя, иш билан бандлик, хўсусийлаштириш ва

эди.

Бозор иқтисодиети сусткашликни ектирмайди. Вилоят кенгаши мавжуд шароитдан келиб чиқиб, меҳнатқашлар манфаатини самарали ҳимоялаш йўлларини изляпти. Чунки олдинда турган кўп киррали вазифаларни рўйбга чиқариш энг аввало уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ. Жўмладан, касаб уюшмалари маблағларини жалб этиш орқали аҳолининг кам таъминланган қатлами — нафақахўрлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотган оилалар, ногирон ва ёлғиз кишиларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатиляпти. Кейинги беш йилда 30 минг кишига санаторий ва курортларга йўлланмалар имтиёзли нархларда сотилади.

ижроия ҳокимияти ваколат муддатларидаги тарихан юзага келган номуаносибликка барҳам берувчи муҳим ҳужжат қабул қилиниши билан боғлиқ. Яъни Конституцияга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдига ўз ваколатларини зиммасидан сақлаб қолиши керак. Бирок шу Конституцияга мувофиқ яъни бир вақтда Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳисобланган Республика Президенти умумхалқ овоз бериши йўли билан беш йил муддатга 1997 йилгача муддатга сайланган.

Шундай қилиб, янги сайланган парламент билан Вазирлар Маҳкамаси раиси бўлган Президентнинг ваколатлари ўртасидаги вақтда номуаносиблик таркиб топди. Бу ҳолат ҳукуматни шакллантиришда ҳам, Парламент сайловларининг кўппартиявийлик асосида ўтиши билан ҳукуматда мавжуд

сиёсий ва ижтимоий кучлар нисбати ўз ифодасини топишига эришишимизда ҳам қийинчиликлар туғдиради. Бу охир оқибатда умуммиллий ҳамжиҳатлигимизга, жамиятдаги барқарорликка салбий таъсир этиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу референдум шу йил 26 март, яшанба кунини ўтказилади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини бунед этиш, умумхалқ фаровонлигини таъминловчи сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш манфаатлари мазкур референдумда халқимизнинг фаол иштирок этишини тақозо этади. Ҳозирги ва келгуси муваффақиятларимизнинг ишончли кафолати бўлиши мавжуд ҳокимиятнинг барқарор ва самарали ишлаши халқимизнинг шу кунини намоён этиладиган доно иродасига боғлиқ.

Савдақом САИДВАЛИЕВ.

(Боши 1-бетда.)

Босиб ўтилган йўлнинг яна бир муҳим натижаси маънавиятимизни, мафкурамизни ҳар хил зугумлардан халос этиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очилганидир. Биз бугун бой маънавий меросимизнинг чинакам эгаси бўлиб қолдик. Халқимизнинг буюк фарзандлари Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқаларнинг илмда, тариқатда, маърифатда, буюк давлатчилик ва соҳибқиронлик соҳаларида қолдирган бой меросларидан бевосита баҳрамандмиз, келажаги буюк давлатимизни бунед этишда, юксак маънавий фазилатлар қарор топган жамият қурилишида улардан битмас-туганмас илҳом олаёмиз. Миллий маданиятимизни, динимизни, минг йиллик ахлоқий-маънавий анъаналаримизни қадрлашга ўргандик.

Хуллас, мустақиллик йўлларида халқимиз, давлатимиз эришган натижалар, ҳеч муболагасиз, залвори юксак ва катта тарихий аҳамиятга молик. Зеро, улар келгуси зафарларимиз, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун курашишимизга пухта замин бўлади. Эндиликда шу йилнинг ўзидаёқ иқтисодий барқарорликка эришиш ва аста-секин юксалиш сари йўл тутиш бўйича Президентимиз қўйган вазифалар шубҳасиз муваффақиятли ҳал этилишига қатъий ишонч билан қарай оламиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чакриқ биринчи сессиясининг бутун руҳи, Президентимиз томонидан таклиф этилган мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари бунинг ҳаётбахш кафолатидир.

Парламентимизнинг мазкур таъсис йигини шу жиҳатдан ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга лойиқдир. Унинг яна бир муҳим аҳамияти қонунчилик ҳокимияти билан


ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Гулмира Мавлонова кунлик калава тайёрлаш топширигини ортиги билан адо этмоқда. Бу кўрсаткичга у механизмларнинг бир маромда ишлашини таъминлаб, маҳоратини ошира бориш эъзига эришмоқда.

Суратда: Гулмира Мавлонова мато тўқиш ипи пишиқлигини кўздан кечирмоқда.

К. УЛМАСОВ олган сурат.



1990 йил. 13 июль. Тошкентда Ўзбекистон тадбиркорлари касаб уюшмасининг биринчи қурултойи бўлди.

1990 йил. июль. Андижон вилоят касаб уюшмаси маданият уйи қошида ташкил қилинган “Андижонфильм” ҳаваскорлик киностудияси ўзининг биринчи “Келажак ҳақида жиддий” фильминини яратди.

1990 йил. Тошкентда Ўзбекистон кимё саноати ҳодимлари ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат ҳодимлари тармоқ касаб уюшмаларининг биринчи таъсис қурултойлари бўлиб ўтди.

1990 йил. 10 август. Тошкентда ўрмончилик, қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш ҳодимлари республика касаб уюшмалари ўрнига ташкил қилинган ўрмончилик ҳодимлари касаб уюшмасининг биринчи таъсис қурултойи ўтказилди.

1990 йил. 15 август. Тошкентда Деҳқончилик саноати мажмуи ҳодимлари касаб уюшмасининг биринчи қурултойи бўлди.

1990 йил. 21 август. Нукусда Қорақалпоғистон вилояти касаб уюшмаларининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон вилояти касаб уюшмалари Қорақалпоғистон республикаси касаб уюшмалари деб қайта тузилди.

1990 йил. август. Ургенчда Хоразм вилояти касаб уюшмаларининг органи бўлган “Мулоқот” газетасининг биринчи сони чиқди.

1990 йил. 11-12 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон касаб уюшмалари кенгашининг XIV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой республика касаб уюшмалари Федерацияси тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди.

1990 йил. сентябрь. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши таклифига биноан келган Бутуниталия меҳнат конфедерацияси минтакавий кўмитасининг делегацияси республикамиз касаб уюшмалари фаолияти билан танишдилар.

1991 йил. 21 март. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг “Ишонч” ҳафталик газетасининг нишона сони чиқди. Газета 1991 йил 8 апрелдан мунтазам чиқа бошлади.

1992 йил. март. Тошкентда касаб уюшмаларининг “Дўстлик тароналари” фольклор-этнографик жамоалари республика фестивали бўлиб ўтди. Биринчи ўринни Қарши шаҳри жамоаси эгаллади.

1992 йил. 2 июль. Ўзбекистон Республикасининг “Касаб уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни қабул қилинди.

ОИЛА БЮДЖЕТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Абдуқодир ўғли Абдусодир — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Оила бюджетини режалаштириш деганда нима тушунилади? Аввало, режа — бу мўлжал. Оила бюджетининг режаси деганда маълум вақтга мўлжалланган даромад ва харажатлар тушунилади. Кейин бюджет режаси маълум кўрсаткичларга асосланиб тузилади. Оила бюджетини икки кўрсаткичга нисбатан тузилади. Биринчи кўрсаткич бу мўлжалланган даромад ва харажатларнинг миқдори. Бу кўрсаткич асосан сўм билан белгиланади.

Иккинчи кўрсаткич вақт билан белгиланади, яъни мўлжалдаги даромад ва харажатлар бир ой, чорак йил, ярим йил, бир йилга режалаштирилади.

Аввало, бюджетнинг даромадлари режалаштирилади ва уларга қараб харажатлар режаси тузилади. Оила бюджетининг даромадлари ҳар бир оила аъзосининг меҳнат ешида бўлган даромадлари режасидан ташкил топади. Оила аъзоларининг даромади уларнинг қандай иш билан шуғулланиши, қайси лавозимда ва қайси корхона, бирлашма, ташкилот, идорада ишлашига боғлиқ.

Агар оила аъзоларидан биронтаси нафақахўр бўлса ёки давлат идорасида ишласа оила даромадининг ҳар ой, чорак йил, ярим йил, бир йил мобайнида қанча бўлишини олдиндан билиш мумкин. Оила аъзоларининг даромадини олдиндан аниқ билиш имконияти бўлмаган тақдирда, ўтган вақтда олинган даромадларга қараб, уни тахминан режалаштириш мумкин.

Оила бюджетининг режалаштиришда даромадлар нафақат оиланинг барча аъзоларининг, балки манбалар бўйича ҳам амалга оширилиши керак.

Энди режанинг шакли қандай бўлади, деган масалага келсак уни шартли равишда қуйидагича келтириш мумкин. (Пастдаги жадвал).

Одатда оила бюджетининг бажарилишини ҳисобга олиб бориш муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Бунда даромад амалда қанча сўмини ташкил қилганини ёзиб бориб, режа билан солиштирилади ва унинг бажарилишига баҳо берилади.

рилишига баҳо берилади.

Харажатларни режалаштириш муҳим роль ўйнайди. Маълумки, харажатлар икки турга бўлиниб, улардан бир тури доимий амалга оширилади.

ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

(БЕШИНЧИ ДАРС)

лади. Бу туркум харажатларга коммунал хизмати тўловлари киради. Улар одатда ҳар ойда аниқ тарифга кўра тўланади. Бу тўловларга электр, газ, сув, ахлат, канализация, телефон учун тўловлардан тўловлар киради ва бу тўловларни аниқ режалаштириш бўлади. Озиқ-овқатга сарфланган маблағнинг ҳам кўп турини аниқ режалаштириш бўлади. Масалан: нон, чой, гўшт, ун, ўсимлик ёғи, гурунч, нўхот, мош, буларни оила томонидан истеъмол қилинишига қараб режалаштириш мумкин.

Оила бюджетини режалаштиришда биз қатъий бир шакл тавсия қилмоқчи эмасмиз. Юқорида келтирилган жадвални бир мисол тариқасида қараш мумкин. Ҳар бир оила ўз режасини ўзига қандай шаклда тузиш кулай бўлса, шундай тузиши мумкин.

Энг муҳими, оила ойма-ой ўз даромадларини оддий, тушунарли қилиб режалаштириб борса бўлгани.

Бюджет режаси тузилганидан кейин ҳар ойда унинг бажарилишини ҳисобга олиб бориш керак. Бу иш даромадлар ва харажатлар бўйича алоҳида олиб борилади. Жорий ой мобайнида олинган аванслар, нафақа ёки қўшимча иш бажарилиб, топишган пуллар миқдори ёзилиб борилади ва кейинги ой бошида жамланади.

Харажатлар ҳам жорий ой мобайнида ёзиб борилиб, кейинги ой бошида турларга қараб гуруҳланади ва жами харажатларнинг якуни чиқарилади.

Жорий ой якунига кўра баланс

тузилади. Баланс даромадлар билан харажатларнинг бир-бирига солиштирилиши. Агар даромад харажатлардан юқори бўлса, қолдиқ жамғармага ўтади. Бу яхши кўрсаткич. Бундай кўрсаткичга эришилса бюджет мусбат натижа билан якунланди деб ҳисобланади.

Агар харажатлар даромадлардан юқори бўлса, бундай ҳолат манфий натижа деб ҳисобланади. Бу ҳолатда топишган даромад харажатларни қоплай олмай, оила ўтган ойларида жамғарган пулини сарфлайди ёки қарз олишга мажбур бўлади. Қарз олиш ҳар бир оила учун кўнгилсиз воқеа. Қарз олмаслик учун оила ўз харажатларини даромадига қараб олиб бориши керак.

Шундай қилиб, бюджет оилага унинг даромадлари ва харажатларининг йил давомидаги миқдорини билиш имконини беради.

Ундан ташқари бюджетнинг бажарилишига қараб, оила ўз молиявий имкониятини ошириш чора-тадбирларини ҳам кўриши мумкин. Энди ўз ўзидан, оила даромадларини қандай ошириш мумкин, деган савол келиб чиқади. Бу ҳақда кейинги мақолаларда фикр юритамиз.

Даромад оилами ёки корхона даромадини, қаерда бўлмасин, самарали меҳнат қилиб топилади. Даромаднинг асосий манбаи — меҳнат. Кейинги манба — тежамкорлик. Оила топан даромадини тежамкорлик билан харажат қилса, уни кўпайтиришга ҳисса қўшган бўлади.

Оила аъзолари қанчалик юқори унумдорлик билан ишласалар ва ўз ишларини сифатли қилиб бажарсалар, якуний натижани қисқа вақтда, кам харажат қилиб бажарсалар — юқори даромадга эришади.

Шунинг учун ҳар бир оила ўз аъзолари билан маслаҳатлашиб ойдан ойга, йилдан-йилга ўз даромадларини ошириш режасини тузиб, уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари керак. Бу йўл оила фаровонлигини оширишнинг энг асосий йўлидир. Биз эса, кейинги дарсларимизда оила ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун қандай ички имкониятлардан ва бoshқа қандай даромад манбаларидан фойдаланиш хусусида тавсиялар бериб борамиз.



Бўстонлик туманидаги «Бунёд» хиссадорлик жамиятида очилган трикотаж цехида 100 нафарга яқин қишлоқ хотин-қизлари ишга жойлашди. Улар харидоргир гилам, трикотаж кийимлари тўқимокдалар.

Суратда: трикотаж цехи бошлиғи Бахтиёр Мирмахмудов тўқувчи Холиса Мирзалиева билан янги маҳсулот сифатини кўздан кечирмокдалар.

Даврон АХМАД олган сурат.

Хусусийлаштириш:

ДАСТЛАБКИ САМАРАЛАР

Кўпинча «Шарқ» корхонаси таъкиддан четда қолмасди. Ҳозирга келиб аҳвол яхшилик томонга ўзгарганидан ҳамма хурсанд.

— Лекин бу ютуқлар осонликча қўлга киритилмапти, — дейди корхона бошқарувчиси Раҳимжон Абдурахмонов. — Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аввалги даврлардагига нисбатан икки-уч баробар куч-гайрат сарфлашга тўғри келяпти. Биргина миҳ ёки елимни олинг! Уларни қанчадан-қанча маблағ сарфлаб ва неча минг чақиримлаб масофадан топиб келяпмиз. Аммо бундан нолимаймиз. Сабаби — ўзимиз учун, ўз жамоамиз аъзоларининг манфаати учун шундай қиялпмиз. Ўз ерлигимиз шаънини ҳимоя қилмасак, беллашувда ютқазиб қўямиз. Бинобарин, оддий ҳунарманддан тортиб бош муҳандисгача корхонамиз обрўсини кўтариш, маҳсулот сифатини тобора яхшилаш ҳаракатида.

Йил бошида виллоят фаоллари кенгашида виллоят ҳокими ўтган йил якунларини баҳолаётган, мазкур корхонада сезиларли ўзгаришлар юз берганлигини, маҳсулот сифати кескин яхшиланиши билан бирга ишлаб чиқариш бўйича барча кўрсаткич ва режалар орттириб адо этилаётганлигини таъкидлаб ўтган эди.

Наманган пойафзал ишлаб чиқариш ва таъмирлаш бирлашмаси жамоа корхонасига айлантирилди. 300 дан ортиқ ишловчилар истакларига кўра цех ва участкалар хусусий мулк сифатида расмийлаштирилди. Қолган 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиға ўзлари меҳнат қилаётган бош бино ва «Йўлдош» ишлаб чиқариш тармоғи жамоа корхонаси шаклида рўйхатдан ўтказилди. Умуман, жамоага давлат томонидан 12 миллион сўмлик мулк имтиёзли равишда бириктирилди.

Бу ўзгаришлар ҳамманинг кайфиятини кўтарди, ишлаб чиқаришга, мулкка нисбатан муносабатини янгилади, хўжалик юришда тўла мустақилликка эришилди. 15 кишидан иборат кенгаш ишлаб чиқаришни бошқармоқда, корхона фаолиятини назорат қиялпти. Энг муҳими, барча цех ва участкалар, асосий ва ёрдамчи хомашё сарфлари, электр қуввати, сув ва газдан фойдаланиш харажатлари устидан назорат ўрнатилган. Ортиқча сарф-харажатларга йўл тўсик.

Ҳозир асосий эътибор хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини жонлаштиришга, ишчи-хизматчилар учун қулай меҳнат ва дам олиш шароити яратишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда турини кўпайтиришга қаратилмоқда. Маиший хоналар сифатли таъмирланди, ишдан бўш вақтларда мириқиб ҳордиқ чиқариш учун зарур қулайликлар вужудга келтирилди. Томск резина пойафзал ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда қўшма ишлаб чиқариш участкаси яратилиб, аёлларнинг енгил оёқ кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ушбу турдош корхонадан миллий пойафзал ёки калиш қуядиган агрегат келтириб монтаж қилинмоқда. У тез кунларда ишга тушади.

Келгусида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хориж бозорига чиқариш, чет элликлар билан қўшма корхоналар куриш кўзда тутилмоқда.

— Афсуски, дастлабки самаралар билан биргаликда ишимизнинг олдинга босишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам талайгина, — дейди Раҳимжон Абдурахмонов. — Фурсатдан фойдаланиб уларни санаб ўтмоқчиман. Аввало, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини хомашё билан таъминловчи Самарқанд, Қўқон ва Тошкент кўн-тери ишлаб чиқариш бирлашмалари 1993 йилдан бошлаб биз билан алоқани батамом тўхтатиб қўйишган. Натижада давлат тасарруфидан чиққан жойларда ноқонуний йўллар орқали хомашё олишга мажбур бўлинмоқда. Республика енгил саноат корпорацияси бу муаммони зудлик билан ҳал этиши зарур. Иккинчи масала шуки, пойафзал ишлаб чиқариш учун керакли воситаларнинг асосий қисми Россиядан келтирилибди. Эндиликда ҳеч бўлмаганда сунъий чарм, ҳар хил иплар, сўргичлар ва резина ишлаб чиқаришни маҳаллий шароитда ўзлаштириш учун фурсат етди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ОИЛА БЮДЖЕТИНИНГ РЕЖАСИ (СЎМ ҲИСОБИДА)

Пул маблағининг ким- рим ва чиқим турла- ри	ОЙЛАР											
	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Ўтган даврдан қолган пул қолдиғи	200	200	—	—	10	—	125	250	375	390	205	
Кирим: жами	1500	1500	1500	1700	1700	1700	1700	1700	1700	1700	1700	
Харажатлар: электр-энергияси	100	100	100	100	90	90	90	90	100	100	100	
Газ	15	15	15	15	10	15	15	15	15	15	15	
Сув	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	
Ахлат	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	
Канализация	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	
Телефон	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	
Озиқ-овқат	815	600	600	600	600	500	500	500	600	700	700	
Кийим-бош	—	200	400	400	400	200	200	—	200	300	300	
Дори дармон	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	
Транспортга	400	400	400	400	400	400	400	400	400	400	400	
Маиший хизмат	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	
Уй-жиҳозлар сотиб олиш	—	—	—	—	—	335	200	200	100	—	100	
Шахсий тигиш воситаларига	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	20	
Кино, театр, газета-журналларга	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	25	
Бошқа харажатлар	—	—	—	—	—	—	—	200	—	100	200	
Жами харажатлар	1500	1500	1700	1700	1690	1710	1575	1575	1575	1685	1885	
Жамғармага	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	
Баланс: + жамғармага қамомад	+ 200	+ 200	0	0	+ 10	0	+ 125	+ 250	+ 375	+ 390	+ 205	+ 205

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, МУҲТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Аёлнинг инсоният тараққиёти ва жамият олдидagi қадри, хизматини тўғри англаган пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида "Сизларнинг яхшиларингиз ўз аёлига хушмуомалада бўладиганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳли-аёлига яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳли-аёлларини фақат ёмон одамларгина хору зор қилур", деган эдилар.

Ушбундан келиб чиқиб донишманд Шарқда, умуман бутун дунёда машҳур кишиларга баҳо беришда уларнинг аёлларига бўлган муносабатлари энг муҳим ва адолатли ўлчов сифатида хизмат қилган. Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, бунёдкорлик ишлари ҳақида катта-кичик асарлар яратган ўша давр тарихчилари жаҳонгирнинг маликалари, ҳарамлари, умуман, аёлларга бўлган муносабатлари ҳақида жуда кам маълумот ёзиб қолдирганлар. Чунки Шарқда бировнинг хотини ва оилавий ҳаёти ҳақида гапириш одобсизлик ҳисобланур.

Темурийлар даври тарихчиси Ибн Арабшохнинг ёзишича, соҳибқирон ўз ҳузурида аёлларни гийбат қилиш, уларни зўрлаш ва хўрлаш ҳақида ҳар қандай суҳбатларни таъқиқлаган. Амир Темури ўз келинларига ниҳоятда меҳр-шафқатли бўлган. Келинларини оқила Бибиҳоним қарамоғига топширган. Бибиҳоним эса келинларининг эсон-омон кўз ериши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий қизик бир маълумот келтиради: "Соҳибқироннинг ўғли, Эрон ва Қавқазнинг ҳукмдори Мирзо Мироншоҳ оддан йиқилиб, бир оз савдойкор бўлиб қолади. Шунинг оқибати ўлароқ у хотини Севинчбекани қаттиқ калтаклайди. Севинчбека жароҳатдан қонга беланган кўйлагини Жаҳонгирга кўрсатганида, у қаттиқ таъсирланиб, кўзларига ёш келган ва бир ҳафта ҳеч ким билан гаплашмай юрган. Сўнгра кўшин билан йўлга отланиб, бебош ўглини жазолаган ва лавозимини бекор қилган".

Амир Темурининг аёлларга муносабати Туронда ҳукм сургани кўпгина подшоҳларнинг муносабатидан кескин фарқ қилган. У маликаларини тўрт девор ичига қамаб, юзларига паранжи-чачвон ёпиб, тутқунликда сақлаган. Соҳибқироннинг хотинлари ва келинлари тўй-ҳашамларга, байрамларга эркаклар билан биргаликда қатнашганлар. Тарихчи Клавихо ва унинг шериклари Самарқандда бўлганларида бир неча маросимларда иштирок этиб, соҳибқироннинг хотинлари билан мулоқотда бўлишган. Бундан ташқари Бибиҳоним, Хонзодабегим, Севинчбекалар ҳам алоҳида базмлар уюштириб, элчиларни таклиф этганлар. Клавихо ўз кундаликлари -

СОҲИБҚИРОН ЭЪЗОЗЛАГАН АЁЛ

да бу зиёфатлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзган.

Соҳибқирон қизлари, набиралари ва хотинлари шарафига боғлар, масжидлар ҳамда макбаралар бунёд қилдирганлигини ўша давр муаррихлари ёзиб қолдирганлар. Масалан, Самарқандда Туман оғага бағишлаб Беҳишт боғини, Тўқолхонимга атаб Дилқушо боғини ва набираси Мироншоҳнинг қизига атаб эса Боғишамолни барпо қилдиргани маълумдир. Шунингдек, Амир Темури Туркон оға, Ширинбека оға, хотинлари Туман оға, Қутлуғ оғаларга ва қайнонаси — Бибиҳонимнинг онасига атаб макбаралар қурдирганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Соҳибқирон 1399 йили Самарқандда қурдирган улугвор Жоме масжидини ҳам Бибиҳонимнинг онаси хурматига бино қилдирган. Соҳибқирон Амир Темури фақатгина ўзига яқин аёлларгагина меҳр-шафқат кўрсатмай, етти ет бегона аёлларга ҳам шафқатли бўлганлиги маълумдир. Франциялик темуршунос профессор Люсен Кереннинг аниқлашича, 1402 йили Анкара енида турк султони Йилдирим Боязид билан Амир Темури ўртасидаги жангда ғолиб чиқиб Боязид ҳарамидан зўрлаб олиб келинган юнон ҳукмдори қизлари Анжела, Каталина ва Марияни озод қилади. Сўнгра бу асирларни кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаб, иззат-ҳурмат билан Хенриз III ҳузурига жўнатиб юборади. Бу уччала хоним умрларининг охиригача Амир Темуридан миннатдор бўлганлар.

Аёлларнинг қадру қимматини ўз ўзига қўйган Соҳибқирон айна пайтда уларга нисбатан талабчан ҳам бўлган. Аёлларда поклик, шарму ҳаё борлиги йўқлигига катта эътибор берган. Унинг ўзи бу борада: "Ўғлим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлишнинг насл-насаби, етти пуштини суриштирдим. Келин бўлиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлиқ ва бакувватлилиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб келин туширдим", деган эди.

Амир Темурининг бу йўли батамом тўғри эканлигини, унга амал қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келишини Ҳалил Султон тақдирини мисолида кўриш мумкин. Соҳибқирон набираси, Мироншоҳнинг ўғли Ҳалил Султон насл-насаби ўзига тўғри келмайдиган, аммо ниҳоятда гўзал Шоди-мулк исмли қанизакка уйланмоқчи бўлади. Буни эшитган бобоси қаттиқ газабланиб, розилик бермайди. Аммо меҳр-шафқатли Бибиҳоним ўртага тушиб, олампаҳоннинг газабини юмшатиб, тўйга розилик олишга эришади. Орадан йиллар ўтиб, Амир Темурининг вафотидан сўнг, тақдирнинг тухфаси билан Самарқанд тоғу тахти Ҳалил султонга ўтади. Катта маликага айланган Шоди-мулк турли қилиқлар чиқара бошлайди. Давлатни бошқариш ишларига аралашади, ҳар хил нолойиқ қимсаларни атрофига тўплаб, раҳбарликка кўтаради. Амир Темурининг хотинларини зўрлаб, насаби паст кишиларга эрга бердирилади. Севидан кўзи кўр бўлган Ҳалил Султон хотинининг барча истакларини сўзсиз бажаради. Иш шу даражага етадими, Шоди-мулк ўзига ва эрига кўп яхшиликлар қилган Бибиҳонимни ҳам яширинча заҳарлаб ўлдиради. Бу ишлар оқибатида эса тоғу тахти ниқирозга юз тутади.

Қиссадан хисса шуки, буюк бобомизнинг жамият гули кўрки бўлган аёлларга муносабати ҳам биз учун гоёт ибратлидир.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг
катта илмий ходими.



Зулфия сатрларидан жой талашган кенг фикрли, ҳар банди кўпни кўрган, кўпни туйган, аммо ҳамиша ҳар қадами инсоннинг кўнгил отлиқ нозик оламини кашф қилишдан ўзи ҳам ҳайратланиб, ўзгаларни ҳайратга солган, ҳамиша ўзига ўзи ҳайрат ва ҳаяжон излаб топган шеърининг мухлисиман. Ўн беш ёшимда бу шеърлар булогидан қанчалик баҳра олган бўлсам, эллик ёшимда ҳам ҳайрат ва ихлос ўтим заррача сўнгани йўқ. Аксинча улуг ҳайрат ва ихлоснинг илдизи, жон булоқлари қайда деб ўзимдан ўзим сўраган вақтларим кўп.

Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, иссиқ-совуғини туйган, донишманднинггина ҳақиқий донишманд бўлиши, оғзидан чиққан ҳар бир сўзи ҳикमतдек талқин қилиниши мумкин. Зулфиянинг шеърини ўтга ҳам, сувга ҳам тушган қалб шеърини!

Зулфиянинг юраги ҳеч қачон



муҳофаза қилинмаган, шамол ва бўронлардан тўсылмаган, зардоб чашмаси атай беркитилиб, қувонч-шодлик чашмаси атай очиб қўйилган эмас.

**Чорладинг, жонимни ташладинг
тенгсиз куч жасорат жангига,
Онгладим: Лутфийдек куйласам
буюк дард ва қудрат борлигини!**
Ёки яна:

**Аёзинг, ўтинга кўксимни бериб,
Армонни танидим, бахтни
танидим!**

Шу боис Зулфиянинг шеърларини ўқиганда, гоҳ ўтга, гоҳ сувга тушгандек ҳис этаман ўзимни. Лекин унисидан ҳам, бунисидан ҳам омон чиқаман. Зулматдан сўнг ёруғлиқнинг келишига, бир ёмонликдан сўнг икки яхшилик бўлишига ишонаман!

**На масъуд ҳузур бу, ёруғ
жаҳон бу,
Ёр. Инсон баҳор-ла қовушган
онлар!**

Мен бир мухлис сифатида, аёл сифатида айнан Зулфиянинг шеърлари умидсизлик олаmidан олиб чиққанидан, ёруғ кунларга умид-бахшлик уйғотганидан, завққа тўлдирганидан мароқ билан уни қўлга оламан,

Саксонга кириб ҳам, бир дунё девонлар, бир дунё шогирд, бир дунё муқофотлар, бир дунё обрў ва олам меҳрига қониб туриб дейди шоира:

Мулки лак-лак дилини

Этмасман аён,

Биласиз, яшардим риддан олис,

Шеъринг кечирсин,

Кечирсин шеърхон,

Замона зулмидан бўлмадим

Холис.

Гоҳ товушим етмаса

Санаманг сукут,

Шояд тарк этмаса дийдаларини

Нур,

Шеъринг санъати

Бўлмайди унут,

Божлиман элиму, юртга

Бир умр!

Бундай дейиш учун айнан Зулфия

бўлиб дунёга келиш, айнан Зулфия бўлиб яшаш керакдир!

Республикамизнинг бир гуруҳ хотин-қиз ижодкорларини Зулфия мактаби қизлари деб аташди. Булар хоҳ шоира, хоҳ журналист, хоҳ ёзувчи, хоҳ бастакор бўлишдан қатъи назар Зулфия мактабидан сабоқ олганларидан бахтиёрлар.

Устозимиз истеъдоди шундай буюк уммонки, ундан биримиз Ёниқликни, биримиз Жасоратни, биримиз Енгувчанликни, биримиз Ростғўйликни, биримиз Қатъиятни, биримиз Фидойиликни, биримиз Меҳридареликни олдик. Ҳамон олаямиз...

Борини шеърингга, шогирдларига, халқига бахшида этган, эътаётган Зулфия опа бундан асло кам бўлаётганлари йўқ. Аксинча ўзлари туганмас, шуқуҳли ва шуурли мавзуга айланиб бораёптилар.

Зулфия опа ҳақиқатни, ҳаракатни, алам ва синаотларни баён этишда аёл қалби билан жўшади:

Онам меҳр тўла дил амри билан,

Ухла, деб сўндириб кетди

Япроқини,

Ва лекин кўзларим олдидан

Бирдан

Очди поёни йўқ

Яқин—йироқини...

Шоира республикамиздан ташқарида ҳам жарангдор, ўзига хос нозик оҳангли шеърини ила ном таратган. Шу боис Расул Ҳамзатов Зулфияни "Ўз халқининг тақдирини кўшилиб кетган" ижодкор сифатида талқин этса, С. Капустин эса Зулфияни "Юксалган Ўзбекистон қуйчаси, озоликка чиққан янги Шарқ аёлларининг раъси", деб баҳолайди. М. Дудин Зулфиянинг "Шеърини еркин, у муҳаббат ва садоқатдан сабоқ беради. У мард бўлишга, ҳаётни севишга ва келажакка ишонишга даъват этади" дейди.

Зулфияси борлигидан халқимиз юрагига ҳам бир гуруҳ, минг фахр тугади.

Раҳима ШОМАНСУР.

Кумри Обидовани таниганимга ҳали кўп бўлганича йўқ. Аммо негадир кўпни кўрган ҳаётини тажрибалари бораида суҳбатлашгим, улар босиб ўтган узок, машаққатли, лекин шарафли йўллари ҳақида эшитгим келаверади.

Бу йил Кумри опа 70 баҳорини қаршиладилар. Бундай ўйлаб қарасак, 70 йил яшамоклиқнинг ўзи бир инсон учун — яратганининг олий инояти. Шу ўткннчи дунёнинг бахт ва бахтсизлигини, қувончу қайгуларини елкасига ортиб шукрона яшамоклиқнинг ўзи бўлмайди.

— Умрни мазмунли, ҳар қандай шубҳа ва сўроқлардан, виждон азобларидан холи ўтказмоқлик инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ, — дейдилар Кумри опа. — Ҳаётнинг беағи бу — қалбингга яқин инсон билан умр ўтказмоқлик бўлса, унинг жилolari севган касбининг фидойиси бўлмоғингдир. Фарзандларимнинг отаси, Кўчқор ака билан турмуш қурганимизга ҳам мана 50 йил бўлибди. Орзуларимнинг кўпни шу инсоннинг меҳр-оқибати туфайли рўёбга чиқди. Дастлаб педагогика билан юртида тахсил олдим. Кейин Низомий номидаги педагогика институтига ўқиниш давом эттириб, уни муваффақиятли тугатгач, аспирантурага, тавсия қилишди. Бу орада бирин-кетин фарзандларим дунёга келишди. Уй, рўзгор, оила, фарзандлар ташвиши, дегандек... Шу даврда номзодлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилишга улгурганман.

Иш фаолиятини оддийгина мактаб ўқитувчилигидан бошлаган. Бу борада не-не ишларини, масъулиятли вазифаларни қўнт билан бажарди. Қаерда ва қандай вазифада ишласамин, у тўғриси ўзгани, ҳалоллиги ва билимдонлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Халқ орасида аёл уй бекаси, у фақат рўзгор учун яратилган, дейишди. Бундай гапларини тез-тез эшитиб тураримиз. Бу фикрлар бир томондан тўғри. Лекин бугунги иқтисодий аҳволимиз бунга қарама-қарши фикрларни тугдиради. Бу ҳақда Кумри опа шундай дейди:

— Тўғриси, бу масаланинг иқтисоддан ҳам кўра маънавий томонига эътибор қаратишимиз керак, уйда ўтирган аёл кунда рўзгор ташвиши билан лоақал бир сочини тарашга, ҳатто ойнага қараб олишга ҳам улгурмайди. Агар аёл ишласа, жамиятта аралашса, атрофини кўради, кузатади. Эстетик диди шакллана боради.

Вақтдан унумли фойдаланишга ўрганади. Хуллас, фақат яхшилик томонга ўзгаради, холос.

Мен Кумри опа билан суҳбатлашганимда кўзларидан ҳамиша меҳр ёғиб турадиган шу нуруний чехрани, ўша олис йиллардаги каби навқирон, кучгайратли жувон сифатида тасаввур қилишга уринаман. Кумри опанинг ёшлик йиллари уруш ва ундан олдинги даврга тўғри келди. Янги техникумни тугатган қиз уйма-уй юриб аёлларни ўқишга чорлар, уларни маърифат марказларига қатнашларини ташвиқ қилар эди. Лекин хотин-қизларнинг ўқишга, жамоа ишларига қатнашларини истамовчилар кўп эди. Кумри опа бу йўлдаги ҳаракатлари орқасидан қанчалар панд еди. Ҳатто ҳаёти хавф остида қолган вақтлари ҳам бўлди. Бир воқеа эса унинг ҳеч ёдидан чиқмайди.

Одатдагидай дарслар тугагач, мактабдан уйга қайтаётган муаллиманинг ортидан 50-60 ёшлар чамаси учта газабланган эркак тушпади:

— Қизларимизни ўқишга чорлаб, юз-кўзларини очиб юбораётган бундай аёлларни тошбўрон қилсанг арзийди, — дерди уларнинг бири кўзларига тош олар экан...

Худонинг тақдирини эканда у кунлар ҳам ўтиб кетди. Мана ҳали ҳануз Кумри опа аёлларни маърифатга, диёнатга чорлаб яшамокда.

Кумри Обидова мураббийлик фаолиятининг эллик йилини мана шундай мазмунли ўтказган. Бу йилларда у Тошкент вилоятининг бир неча мактабларида, бола-лар уйларида, вилоят, туман халқ маорифи бошқармаларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди. У ишлаган жой ҳамиша намунали бўлди.

Кумри опанинг меҳнатлари "Меҳнатдаги қаҳрамонлиги учун", "Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи", "Халқ маорифи аълочиси" каби унвонларга сазовор бўлди. Олий таълим вазирлиги томонидан берилган ёрликлар ҳам талайгина. Лекин Кумри опанинг ҳаётда эришган энг катта унвони бу — унинг фарзандлари, набиралари Шавкат, Зулфия, Нодира, Шаҳноза. Бутун улар турли касбларда жамиятнинг ривожига ўзларининг бегараз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Кумри Обидова ҳозирги кунда Тошкент Давлат университети ўзбек тили ва адабиёти факультетининг педагогика кафедрасида фаолият кўрсатмоқда. Қувончдиси шуки, уларнинг нуруний чехраларидан зорикмиш, чарчаш аломатларини сезмайси.

Зулфияси АҲРОРОВА.

МУРАББИЯ

ОРЗУЛАРИ ДУНЁЧА БОР...

Андижондаги "Жайрон" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига келадиган хомашенинг ҳам, маҳсулотнинг ҳам тури кўп. Жўнли мато, атлас, болалар ва катталар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқаради. Музқаймоқ, "Жайрон" ҳам. "Жайрон" директори Йўлдошбой Эргашев билан сўхбатимиз шулар ҳақида.

— Йўлдош ака, тадбиркор бўлишингизга нимадир туртки бўлдики ёки шунчаки ҳавас билан бошландими?

— Билсангиз, Андижон вилоят кооператив-транспорт бирлашмасида ишлардим. Оз эмас, кўп эмас — 29 йил ишлабман. Дастлаб чилангарга шогирд, бора-бора бирлашма директорлигига тайинланиб, ишладим. Кооператив савдо аълочиси ҳам эдим. Лекин, кимларгадир ёқмай қолдим. Уст-устига текшир-текшир, миждов савол-жавоблар ва ниҳоят ариза ёзишимга қатъий илтимослар... Кетдим, кетдим у бироқ, укувсиз эмаслигимни, меҳнатдан қочмай камол топа олишимни кўрсатиб қўйишга астойдил аҳд қилдим. Шунга эришдим ҳам.

"Жайрон"да ишлаб юриб ортирган дўстларим, бугунги яхшигина обрўимни ўйласам, ўша пайтдаги мени ёқтирмай қолганларга раҳмат дегим келади. Минг бор раҳмат айтман. Одил Зокирович Содиковга. У киши вилоят маҳаллий саноат концерни бошлиғи. Ўша тушкунликка берилган кунларимда шаҳар саноат комбинатига ўтиб ишлашимни маслаҳат берди. Ҳаракатимни кўриб 20 та тикув машинали комбинатни хусусийлаштириб олишимга ёрдамлашди.

— "Жайрон" ҳеч бир тўсиққа дуч келмай фаолиятини жадал юргизиб юборди, де-моқчимсиз?

— Ундай эмас. Бироқ ўша тўсиқлар бўлмаганда, ҳеч бўлмаса камроқ бўлганда — "Жайрон"им бундан бир неча баравар ривож топиб кетарди. Энг муҳими, хомашё олишда хусусий ва ижара қорхоналарни давлат қорхонаси қаторида кўрилмаслиги алам қилади. Бир мисол: Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг саноат қорхоналари учун ажратилган мўлжалдан хомашё олишимизга рухсат берилган эди. Утган йилнинг бошида 40 миллион сўм пул тўлашиб, хомашё олмақчи бўлдик. Ушанда 1 метр мато 380 сўм-купон пулимизга 131 минг метр мато келарди. Афсус, ҳали у баҳона, ҳали бу баҳона билан ололмай юраведик. 1 метр чит 850 сўмга чиққандагина, бир қисмини олдик. Орадан 9-10 ой ўтиб кетди. Миллий пулимизга эга бўлган кунларимиз 1 метр матога 9 сўм 30 тийин тўлаш билан яна бир қисмини олдик. Ҳозиргача аҳоли шу. Бундаг муомаланинг сабаби бизга ишончсизлик билдирилгани бўлса керак.

— Ахир олдиндан пулини тўлагансиз-ку! Шунча вақт ишчиларингиз бекор қолишдики!

— Йўк, ишчиларимнинг кўпчилигида ҳам ишончсизлик туғилмаслиги учун тинимсиз ҳаракатда бўлдим. Ҳатто бозордан нақд пулга мато олиб, бичув-тикувни юритиш билан ишни тўхтатмадик.

— Кўп тармоқли "Жайрон" деймиз, биз фақат бичув ва тикув цехинингизни кўрдик, холос...

— Бедананинг уйи йўқ, қайга борса "питбилдик" деган нақлни эшитганмисиз? Бизда шунақа. Сиз кўрган бичув-тикув цехимиз ҳам ҳатто ўзим ўтирган хона ҳам бизники эмас. Уччала хона учун йилига 50 минг сўмдан ижара тўлаймиз. Музқаймоқ цехимиз анча чапроқда — Саноат кўчасидаги қурилиш идорасининг битта хонасида. Тўқув цехимиз эса шаҳарнинг бошқа томонида. Халқ таълими идорасига қарашли бинодан жой олган. Тўқув дастгоҳларимиз ҳамон таҳлоғлиқ турибди.

Макарон цехимиз учун эса мутлақо жой йўқ. Мен кирмаган, хасратимни тўкмаган идора қолмади ҳисоб. Макарон ишлаб чиқариш учун ажабловур дастгоҳ сотиб олганмиз. Кунига 1 тонна макарон ишлаб чиқарадиган қувватга эга. 50 нафар ишсиз юрган андижонликни маош билан таъминлардик. Аммо жой ҳам, куруқ ер ҳам 7 ойдан бери ана шу дастгоҳларимиз бекор — 1 млн. сўм маблағимиз бекор ётибди девверинг.

— Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш, ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлаб, хусусий кичик қорхоналарга давлат қорхоналари билан тенг имтиёзлар бериш ҳақидаги фармони чиққанига ҳам анча бўлиб қолдику!

— Биз ҳам фармон чиққанда жуда қувонган эдик. У тадбиркорларга кенг шароитлар яратиб бериши аниқ. Лекин фармонни бевосита ижро этувчи маҳаллий органларимиз шовишмаяпти чоғи.

Нукул орзу қиламан. Катта биномиз бўлса, барча ишлаб чиқариш цехларимиз бир жойга жамланса, ижарага бераётган пулимизни ишчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси учун сарфласак, дейман. Мақсадсиз яшаб бўлмайди, албатта. Мен ҳам орзу қиламан. Орзудан тўхтамайман ҳеч. Бирор йирикроқ хориж фирмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ўйлаб юрибман ҳозир. Яна битта орзуйим жамиятимиз ҳақдагилар, таъмагилар, худбинлардан батамом ҳалос бўлса. Юрда тўқинчилик, осойишталик ҳўкм сурса доим.

— Орзуларингиз рўёбга чиқшига тилакдошимиз. Зеро, Ўзбекистон Олий Мажлисидаги тарихий маърузасида Президентимиз Ислам Каримов яна бир сизга ўхшаш тадбиркорларга кенг йўл очиб берилишини таъкидлашди. Демак, орзуларингиз албатта ўшалади...

Сўхбатдош: Замира РЎЗИЕВА, "Ишонч" мухбири.

Жиззах вилоятида ижтимоий таъминот бошқармаси 1974 йилнинг 1 январидида ташкил топиб, 24 киши фаолият кўрсата бошлади. Улар 50 мингдан зиёд пенсия ва нафақа олувчиларга ғамхўрлик кўрсатишди. Бошқармага қарийб 16 йилга яқин кексаларнинг энг яқин маслаҳатчиси Қудрат Мажидов раҳбарлик қилди. У кишининг сай-ҳаракатлари туфайли тўрт қаватли замонавий кўркам бино қуриб битказилди.

Ҳозирги кунга келиб 445 ходим вилоятнинг 100 мингта яқин пенсия ва нафақа олувчиларига хизмат кўрсатмоқда. Бошқарманинг шаҳар ва туманларида 12 бўлими, хотин-қизлар махсус интернати, пенсия ва нафақа тарқатувчи 5 та кичик қорхонаси мавжуд. Вилоятда 4 мингта яқин уруш қатнашчилари, ногиронлар, байналмилал-жангчилар,

уларга тенглаштирилган ҳарбий хизматчилар ҳамда урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари истиқомат қилишмоқда. Улар каби ердамга муҳтож пенсионерларга ўтган йили 300 миллион сўм пул ва совғалар маҳаллий ҳокимликлар томонидан тарқатилди. Вилоятдаги 665 нафар ёлғиз, ўзгалар ердамга муҳтож қарияларга 60 нафар ижтимоий ходим хизмат кўрсатиб, 300 нафар кишига бепул озиқ-овқат тарқатилмоқда.

Жиззахлик ижтимоий таъминотчилар Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот тизимининг 75 йилига нишонланаётган ҳозирги пайтда яна бир қатор тадбирларни амалга оширишди.

Вилоят ижтимоий таъминот тизими ходимлари ва тантанавида иштирок этганларни вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи С. Алмамедова, фахрий отахон А. Сойбазаров, Бахмал тумани ҳокими ўринбосари С. Маллаев, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Ф. Норматовлар табриклади. Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ислам Хушиев таъминот тизими ходимлари ва пенсионерларнинг бир гуруҳига сиҳаттоҳларга бепул йўлланмалар ажратилганини маълум қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири

Савобий фаолият

Баҳодир Ҳамидович Умурзоқов вилоят ижтимоий таъминот тизими

ҳодимларидан бир гуруҳига "Ўзбекистон ижтимоий таъминоти фахрий ходими" нишони ҳамда фахрий ерликларни, ногиронларга ажратилган аравачалар, совғалар топиширди. Шу кунги бир гуруҳ ходимларга вилоят ҳокимлигининг, ижтимоий таъминот бошқармасининг фахрий ерликлари, эсдалик ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Пенсионерларга, ногиронларга ош тарқатилди. Санъаткорларнинг дилбаро куй ва кўшиқлари кечага фойз бағишлади.

Алибой ЭРГАШЕВ, "Ишонч" мухбири.



Бухоро вилояти Жондор туманидаги сўт ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Пола" ҳиссасдорлик жамиятида 550 бош қорамол боқилади. 225 боши соғини сигирлардир. Чорвадорлар йил бўйи 531 тонна сўт ишлаб чиқариб, маҳсулотнинг 435 тоннасини давлатга сотишни режалаштирган. Ўзaro мусобақаларда соғувчи Малика Саидова ғолиблигини қўлдан бермаётир. У ўзига бириктирилган 12 бош сигирдан 36 тонна сарқаймоқ сўт соғиб олишни мўлжаллаган.

Х. ҚУРБОНОВ олган сурат.

АРНАСОЙ ЯЙЛОВЛАРИДА

Нурота тизма тоғлари бағридаги гўзал Арнасой яйловлари Тўрақул Хўжамақуловнинг энг қадрдон гўшасидай бўлиб қолган. Шунинг учун яйловнинг ҳар қадами унга таниш ва қадрдон.

Даре сувини баҳор тоширар — инсон қадрини меҳнат оширар деган мақолнинг нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини Тўрақул бобо сурув ормидан юриб, аниқлади. Шарафли меҳнатлари эвазига бир неча нишон, медаллар, "Республикада хизмат кўрсатган чорвадор" унвонига сазовор бўлди. Тўрақул бобонинг ўғли Акмалжон Тўрақулов ҳам Нурота тумани Шароф Рашидов жамоа хўжалигида отабобо касбини шарафлаб ҳар 100 бош қўйдан 106 тадан 112 тагача соғлом ва бақувват қўзи олмақда. Ҳозир унинг отарида 730 бош қўй бор. 530 таси совлиқ. Акмалжоннинг эзгу нияти бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишдир.

Қишлоқ пайтида чўпоннинг ҳаловати қочади, чунки кўклагини қўзилаштиш мавсумининг тақдирини қиш-қировли кунлар белгилайди.

Қўй юриб емаса тўймайди, егани эса ҳазм бўлмайди. Шунинг учун чўпонлар жониворларни совуқ кунларда камида бир марта қўрадан ташқарига яратиб боқадилар.

Хўжаликда чорва қишлови учун етарли ем-хашак жамғарилган. Шунга қарамай кўпни кўрган Тўрақул бобо фарзандларини эзда бир ерга тўллаб Акмалжон бош берган отар қўйлари учун дағал хашак жамғаришни таклиф этади. Барчалари баробар ишга киришиб кетишади. Қисқа муддат ичида қўра енида 5 тонналик хашак ғарами қад ростлайди.

Ҳа, Акмалжон Тўрақулов бугун ота касбини эъзозлаб, эл орасида ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Унинг эзгу-нияти отардаги жониворларни қишловдан беталофат чиқариб, қўзилаштишни кўнгулдагидек ўтказиш. Уни излаган айнан шу кеча-кундузда ҳам Нурота тизма тоғлари орасида Арнасой яйловларидан топади.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ, "Ишонч" мухбири.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ
Б. Клинтон Оқ уйда Нидерландия Бош вазирининг Вим Кок билан учрашиб, хавфсизлик ва савдо масалалари юзасидан баҳс юритди. Нидерландия Бош вазирининг Вим Кок НАТО Оврупоининг хавфсизлиги учун жуда зарур, деб таъкидлаганди. Бу тапқириот Босния, Герцоговинадаги ўзаро келишмовчиликларга ўхшаш вазиятларни ҳал этиш учун уни янада замонавийлаштирилиши зарур деган.

ҲИНДИСТОННИНГ шимол-шарқидидаги Ассам вилоятида бораётган поезд икки бомбадан портлаб кетган. Бунинг оқибатида 25 аскар ҳалок бўлган ва бир қанчаси оғир жароҳат топган. Бомба портлаган тоғ пайти аскарлар поездда ухлаб кетишганди бўлган. Дехлидаги БИ-би-си мухбирининг таъкидлашича бу Нага қўзғолончиларининг иши бўлса керак. Қўзғолончилар Нагалас юрти мустақиллиги учун 40 йилдан бери курашиб келардилар.

ЯМАН ва Саудия Арабистони анчадан бери давом эттиб

САЙЕРАМИЗ

келаётган ўзаро чегаравий баҳсини ечиш борасида битим имзоладилар. Макка шаҳридаги келишувга биноан икки мамлакат ўртасидаги қуруқлик ва деңиз чегараларини белгилаш учун бир неча қўшма кўмиталар тузилади. Шунингдек, ҳар икки мамлакат чегарасига яқин қўшни ҳаракатларни назорат этиш мақсадида ҳарбий кўмита ҳам барпо этилади. Бу битим икки томонлама алоқалардаги муҳим қадам бўлсада, Яман ва Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро ишончсизлик сақланиб қолмоқда.


ИТАЛИЯДА мафияга қарши ҳакам Жованни Фалконининг 3 йил аввал содир қилинган улимни тапқил этиш бўйича айбланган 37 киши устидан жиноий иш бошланди. 1992 йили ҳакам Фалконининг машинаси Полермо йўлида портлатиб юборилган. Шунга қадар у мафияга қарши қаратилган курашган гуруҳга етакчилик

қилган. Айбланганлар учун маҳкама биносида катта қафас қурилган. Улар орасида Сицилия мафияси бошлиғи Сальватори Рисено бор. Римдаги Би-би-си мухбирининг айтишича бу жараён уюштирилган жиноятларга қарши Италия давлати олиб бораётган курашининг даяр белгисидир.

АМЕРИКАЛИК боксчи Жералд Маклизлер ўрта вазиядаги бокс бўйича жаҳон чемпиони Уинони учун мусобақада британиялик чарм қўлқоп устаси Назел Беннидан мағлуб бўлган эди. Ўша кун у шифохонага олиб келиниб АҚШлик спортчи устидан жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Чунки унинг миёсида қўл қўюлиши юз берган экан. Спортчининг аҳоли ҳали ҳам оғир. Ушбу ҳодиса Буюк Британияда боксини таъқиқлаш борасидаги талабларнинг янада қўпайишига сабаб бўлди.

ФРАНЦИЯ жанубида яшовчи 120 ешли Жан Кальмон

хоним кўпларнинг айтишича дунёдаги энг кекса инсондир. Кальмон хоним туғилган кунни муносабати билан 5 минг табрикнома олди. Мазкур байрамни у бутун шаҳар аҳли билан биргалликда нишонлади. Жан Кальмоннинг зеҳни ҳамон ўткир, хотиралари ёрқин. У 100 йил муқаддам Парижга борганлиги, машҳур Эйфел минораси қурилганлигини эслади. Биринчи жаҳон уруши бошланган йили у 40 еш экан. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганда 71-бажорини кўрибди. У ўз турмуш ўртоғи ва ягона қизидан 50 йил муқаддам ажраган. Унинг бирдан бир қариндоши, яъни набираси 1963 йили автоҳалокат натижасида вафот этибди. Докторларнинг айтишича қараганда унинг кўп яшашига сабаб ажойиб ирсий насли эмис. Аждодлари ҳам кўп яшашган. Кальмон хонимнинг ўзи эса кўп яшашлиги сабабини кулишга қодирлиги билан боғламақчи. Шунинг ҳам айтиш керакки, у чекинини бор-йўғи 3 йилгина олдин ташлаган. Ҳозир ҳар кун шоколад билан тамадди қилиб юради.



Бисмиллоҳир роҳманир роҳим!
Бугун кутлуг айемлардан бири — ўттиз кунлик Рамазон шариф оийи нияҳосига етиб, бутун мусулмон дунёсида Ийд ал-фитроғиз очиш байрами кенг нишонланмоқда. Ҳар бир мўмину мусулмон аҳли кўнгиллари олам қадар қувонч, шодлик-хуррамлик, шукроналик билан тўлган.

Қарийб 14 асрдан буён башариятни руҳду хидоят йўлига даъват этиб келаётган Қуръони карим мана шу муборак Рамазон ойда нозил бўлган. Бу ойда рўза тутиш, Аллоҳ ибодати билан янада кўпроқ шугулланиш фарз этилган. Рўза тутишнинг ўзи катта бир ижтимоий-тарбиявий аҳамият касб этади. Рамазон ойда яна бир муҳим воқеалардан бири — бу “Лайлатул-қадр” (Қадр кечаси)дир. Қуръони карим айни шу Рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси — Қадр тунисида нозил бўлган. “Лайлатул-қадр” кечаси йилнинг энг яхши кечаси ҳисобланади.

Исломдаги икки улуг байрам — Рўза ва Қурбон ҳайитлари асрлардан бери энг муқаддас байрам сифатида нишонланиб келиняпти. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам давридан ҳайит кунлари ўйин-кулгу, улуг шодиёналик ҳукм суриб келади. Ҳайит кунни хонадонларда уй ичлари, ҳовли-боғлар тозаланади, гўбор-ислардан қатрон қилинади. Дастурхонлар тансиқ таомлар, турли пишириқлар билан безалади. Мусулмонлар бир-бирларининг ҳол-аҳволларидан хабар оладилар, бева-бечоралар, хаста-ногиронлар, етим-есирларнинг кўнгилни кўтариш мақсадида хонадонларига ташриф буюрадилар.

Уч кун ҳайит байрамида Мусулмон хонадонининг эшиклари кенг очик бўлади. Тўкин дастурхон азиз меҳмонларга маҳтал туради. Мусулмон одати бўйича Ийд Рамазони Ийд ибодати — ҳайит намози билан бошланади. Ҳайитнинг биринчи кунни кун чиққандан кейин 15 дақиқа ўтгач ҳайит намози ўқилади. Намоз тугагач кишилар бир-бирларини муборакбод қилишади, оилаларига, хеш-ақроболарига тинчлик-омонлик, сийхат-саломатлик, фаровонлик тилашади.

Мусулмонлар ўз ақроболари ичидаги кексалар, еши улугларни, бетобларни алоҳида бориб йўқлашади, уларга ҳайитлик совғалари улашади.

Бу кунни кўчалар, чорсулар, расталар байрамона безатилади, отахон-онахонларга, яқин кишилар ва болаларга ҳайитликлар улашиш ҳам халқимизнинг азалий удумларидандир. Зеро, Пайғамбаримиз ҳайит кунни “Еб ичиб, хурсандчилик қиладурган кундир” деганлар. Ҳар йили катта тантана билан ўтаётган ҳайит намозига мусулмон мамлакатлари элчионаларининг вакиллари ҳам ташриф буюришади. Улар кўҳна Туркистон мусулмонлари эртанги кунига

кийиши ва намозга ювиниб, таҳорат билан чиқишлари расм бўлган. Ҳайит намози кўпчилик жамоа бўлиб ўқиши туфайли ҳар бир мусулмон кишининг озода, янги кийимлар кийиши диний таълим-тарбиядач нишона ҳисобланади.

Кўпчилик амал қиладиган одатларимиздан бири вафот этганларнинг қабрига бориб, зиёрат қилишдир. Ийд Рамазон асидида хурсандчилик байрами бўлгани учун уни мотам, маъюслик дамларига айлантириш ярамайди. Инсон хотирасини йил бўйи ҳамиша эслаш зарур. Рамазон ҳайити дўстлик, иноқлик, тинч-тотувлик, меҳр-мурувват, одамийлик, ватанпарварлик, поклик,

шукроналик фазилатлари намоен бўладиган айемдир. Бу кунларда ўзаро гина-қудуратлар унутилади, келиш-чиликларга барҳам берилади, гуноҳлар кечирилади. Юрт раҳбарлари байрам арафасида, қамоқхоналарни айланиб, енгил жиноят қилганларни авф этадилар.

ИЙД РАМАЗОН МУБОРАК!

ишонч ва шукроналик билан Аллоҳ таолога ибодат қилиб, тинч осойишта меҳнатининг гувоҳи бўлишмоқда.

Икки ҳайит ўртасида вафот этганлар қавм-қариндошлари кўнгилни сўраш, уларга сабр-бардош тилаш ҳам шаклланган одатлардан ҳисобланади. афсуски, бу одатга ҳаддан зиёд эътибор қилиниб, кераксиз сарф-харажатларга ва давлат ишида бўлган кўпгина кишиларнинг вақтлари беҳуда банд этишга сабаб бўлимоқда. Айниқса 3 кун давомида дарвоза олдида қўл қовуштириб “фотиҳага келувчилар”ни кутиб туришлар билан марҳумларга савоб олиб берилмайди. Ислом шариатида асидида катта-катта маросимлар қилиш, серхаражат худойилар ўтказиш қайд этилмаган. Бу одатларга араб давлатларида ҳам риоя қилинмайди. Биродарларимизнинг бундай тadbирларни иложи борица ислом ақидаларига мувофиқ тарзда ўтказиларини истардик.

Ислом дини — покизалик динидир. Пайғамбаримиз “Озодлик иймондандур” деганлар. Шу боис ҳам Ийд ва жума кунлари мусулмонларнинг янги, озода либослар

Сўнгги йилларда муборак динимиз равнақи йўлидаги ижобий ўзгаришлар, диндорларга яратилган улкан имкониятлар алоҳида таҳсинга сазовор. Юртбошимиз фармонлари билан халқимиз тарихида биринчи марта Рамазон ва Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилинган мўмин-мусулмонлар қалбини беҳад қувончга, миннатдорчилик туйғуларига тўлдиргандирлар.

Жумлаи мўъмин-мусулмонларимизни улуг айем — Рамазон ҳайити билан чин юракдан муборакбод этамиз. Аллоҳнинг барчамизни туганмас неъматлардан бахманд этсин, юртимиз тинч бўлсин, халқимиз фаровон яшасин, фарзандларимиз элу юрга меҳр-муҳаббатли, оқибатли ўсинлар! Истиқлол сари юз тутган азиз Туркистонимизнинг келажаги йўлидаги ишларимизга Аллоҳ хайру-барока ато этсин.

Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз биродарлар!

Юсуфжон хожи ШОКИРОВ,
Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасининг муфтийси муовини.

АВВАЛГИ сабоғимизда инсон ҳаётида меҳнатнинг нақадар юксаклиги эътироф этилган эди. Бугунги суҳбатимиз НАФСОНИЯТ ҳақида.

“Уч ога ини ботирлар” эртагида ўртанча ботир эъни хунарманд маҳв этган аждахо балон нафс (нафсоният) бўлганидек у эришган малика — қаноатдир.

“Нафсим менинг балодир, ёнар ўтга салодир” дейди халқимиз. Дарҳақиқат, “нафс” шундай бир аждахоки, унинг оғзидан ҳамиша ўтовол гуриллаб туради. Шу боис тасаввуф фалсафасида нафсни ўлдиршга чақирилади. Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида эса “нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадқирдор” деб даъват қилади.

Нафс (нафсоният) сўзининг луғавий маъноларини тушунишдан аввал пурмаъно эртақлардаги ўртанча ботир — хунарманднинг қимлигини яхшироқ билиб олишимиз керак бўлади.

Биз бугунги кунда “хунарманд” деганда асосан этиқдўзлик, сартарошлик, қосиблик, тикувчилик каби “майда хунармандчилик”ни тушунадиган бўлиб қолганмиз. Нар борса хунар техника билим юртларини битириб, чилангарлик, сантехниклик... қиладиган бирон-бир касбкор эгасини тушунаемиз. Ҳолбуки хунармандлик шулар билангина чекланмайди. Ўз ишининг чинакам устаси, хунармандлик. Масалан, савдогарлик ҳам хунар, раҳбарлик ҳам хунар, арбоблик ҳам хунар, ҳозирда биз тез-тез қўллаб турадиган ишбилармонлик, тadbиркорлик, бизнес, маркетинг кабилар ҳам хунар... Бинобарин, “хунарманд” тушунчаси “қосиб” ва “ишчи” тушунчаларига нисбатан кенг қамровлидир. “Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз”, “Хунардан унар”, дейди халқимиз. Бу мақолада “хунар” сўзи ана шундай кенг маъноларда

қўллангандир.

Хунарманди баднафс ва қаноатсиз одам — шўрпешона одам. Нафси ёмон ва қаноатни унутган хунарманд халқнинг ичидан чиқиб, бошига битган бир балойи азим!..

Ана энди “нафс”, “баднафс”, “нафсоният” сўзларининг луғавий маънолари хусусида суҳбатлашсак ҳам бўлади.

“Фалончи нафсониятимга тегди”, “иззат-нафс” каби сўз бирикмаларидан аниқлашадик, “нафсоният” сўзи, аслини олганда “ор-номус”, “шаън-шавкат” каби фазилатларга нисба-

НАФСОНИЯТ

тан “кибр-ҳаво”, “такаббурлик” “калонди-моглик” сингари иллатларга яқинроқдир. Нафсониятнинг таркибий қисмлари ҳам беҳад кўп! “Мечкай деган яхши от эмас” дейди халқимиз. Мечкайлар, очкўзлар, очафотлар, еб тўймаслар, нафси горлар, иззатталаблар, шахсиятпарастлар, манфаатпарастлар, фойдакунамлар... буларнинг барчалари бир сўз билан айтганда, НАФСОНИЯТ бандаларидир. Бундай одамларни халқимиз “ичида иллати бор” деб таърифлайди...

Дарвоқе, “фойда” хусусида. Тилимиздан “соф фойда”, “фойда кетидан қувиш” иборалари бор. Ҳўш, “соф фойда” нимаю, “фойда кетидан қувиш” нима? Айтилик, бир савдогар бир буюмни чет элдан ўн сўмга олиб келиб, бизга юз сўмга пуллади. Унинг орттирган тўқсон

сўми “соф фойда”, яъни бошқачароқ айтганда “ҳалол фойда”, “луқмаи ҳалол”ми?

Йўқ, бу “фойда кетидан қувиш” бўлади. Ҳолбуки савдогарликка юксак инсоний маданият белгиси деб билган халқимиз олибсотарлик йўлида кетган сарф-харажатнинг атиги ўн фойзи миқдорда орттирилган фойдани “соф фойда”, ундан ортигини “фойдакунамлик — фойда кетидан қувиш” деб билган. Фойда кети-

дан қувиш эса, ҳар қандай жамиятни хонавайрон қилиб, ижтимоий адолат мезонларини чип-пақка чиқарувчи энг манфур иллатлардан биридир.

Маълумки, 1958 йилда муаззам Тошкентимизда Осие ва Африка ёзувчиларининг биринчи Халқро анжумани бўлиб ўтган эди. Мазкур анжуманга хинд файласуфи Дешпанде “Шарқ эиёлилари ва фикрлаш қуроллари” деб номланган бир мақола йўллаган. Мазкур мақолада айтилишича, инсоният ўзининг узок асрлик тарихида жами тўртта фикрлаш қуролини яратган бўлиб, булар САМОВИЙ, ЭСТЕТИК, АХЛОҚИЙ ВА ИЛМИЙ фикрлаш қурсларидир. Биринчи фикрлаш қуролининг асоси — қадимги халқларнинг асотирлари, мурод-мақсад манзили — жаҳоний уйғунлик, иккинчи

Одамийлик сабоқлари

фикрлаш қуролининг асоси — қадимий юнон маданияти, мурод-мақсад манзили — гўзаллик, учинчи фикрлаш қуролининг асоси — муаззам Шарқ фалсафаси, мурод-мақсад манзили — эзгуликдир. Мана, қарийб уч асрдирки, биз илмий фикрлаш қуролига биноан яшаб турибмиз, деб ўз фикрини давом эттиради файласуф. Бу фикрлаш қуролининг асоси — Ғарб фани ва техникаси, мурод-мақсад манзили эса, ФОЙДАДИР. Лекин фойда кетидан қувиш инсониятни шундай бир боши берк кўчага олиб бориши мумкинки, деб ўз фикрини яқунлайди у, натижада биз тагин самовий фикрлаш қуроли асосида иш қўришга, жаҳоний уйғунликни емирмаслик йўлларини қидиришга мажбур бўламиз.

Назаримда буюк фикрлар чинакам мутафаккирона фикрлар, донишмандона ҳулосалардир. Дарҳақиқат, одам боласининг инсоний тирикликдан қўзда тутган пиروвард мурод-мақсади — ҳар не қилиб бўлсин фойда орттириш. Ўз ўрни, ўз мавқеи, ўз мансабидан имкон қадар тўлароқ фойдаланиб қолиш эмас, балки том маънода бахтли-саодатли яшашдир. Бундай яшашнинг бирламчи шарти эса, халқимиз ҳар бир дуо-фотиҳасида Яратгандан сўрайдиган “тинчлик-хотиржамлик”дир.

Уруш — жаҳолатнинг, тинчлик — маърифатнинг қонуний ҳосиласи бўлганидек, нафсоният бандалари ором-фароғат у айш-ишратлар уммонига гарқ бўла туриб ўзларини қўйгани жой тополмасалар, нафсоният аждаҳосини енга олган ўртанча ботирлар дилларда ажиб бир хотиржамлик касб этиб, қаноат ҳосил қиладилар.

Р. ОТАУЛИ.

ДУШАНБА, 6
ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун" Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ешлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.45 "Аралаш". Ҳажвий киножурнал.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Ислохот ва масъулият".
19.40 "Сен баҳорни соғинадингми?" Мусикий композиция.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
22.00 Абдулла Қодирий. "Меҳробдан чан". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг телепремьераси.
24.00 — 00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништилади:
18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".
19.00 "Деҳқон химмати".
19.30 "Кайфият".
20.10 "Экология ва ҳаёт".
20.50 "Само остидаги юлдузлар".
21.30 "Бу бўстон аро...".
22.00 — 23.40 "Соқов ва муҳаббат". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ўзбекистон ботаника боғи". Телефильм.
20.10 "Булоқлар кўз очганда".

"ОМАД" таништилади:

20.30 "Совға".
21.00 "4/8". Мусикий кўрсатув.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 Ёшлар.
22.10 Видео — "О".
23.55 "Курьер".
00.15 "...яна об-ҳаво ҳақида...".
00.25 "Постфактум".
00.35 — 00.55 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Агар...". Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 — 22.50 "Сизга аталган учрашув". Л. Смирнова.

СЕШАНБА, 7
ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Қирқ биринчи йил олмалари". Бадий фильм.
10.20 "Баҳор лавҳалари". Манзарали фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 Болалар учун. "Кичкинтоймиз — гижинтоймиз".
12.40 "Онага таъзим". Мусикий кўрсатув.
13.15 "Ешлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
13.50 — 14.20 "Тилга эътибор...".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турфа хангомалар".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Аёл қалби навалари". Мусикий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 Халқаро хотин-қизлар кунини — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. "Туркистон" саройидан олиб кўрсатилади.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништилади:

18.30 "Мультикарусель".
18.55 "Жаҳон ҳайвонот боғлари".
19.15 Янгиликлар.
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадм".
19.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
20.05 Видеоид.
20.25 "Теле — ателье — шоу".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
21.15 "Кинонигоҳ".
22.55 — 23.15 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

20.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.15 "Қалбим кўри".
21.55 "Манбалар".
22.35 "Кашфетлар ва ихтиролар".
23.15 — 23.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Санъат қасри".
18.25 "СБ" жумбоғи.
18.35 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 22.20 "Гол".

ЧОРШАНБА, 8

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Тангалик болалар". Бадий фильм.
10.20 "Кичкинтой" студияси. "Онажоним — жонажоним".
10.50 "Баҳор мушоираси". Адабий кўрсатув.
11.30 Эстрада калейдоскопи.
12.15 "Ешлик" студияси. "Фақат Сиз билан".
13.15 "Гул кўп, чаман кўп".
13.45 — 15.45 "Паранжи сирлари". Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Гулгунчалар".
18.25 "Ишбилармон".
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Спортимиз маликалари".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Биз, эркаклар, хизматда". Байрам дам олиш дастури.
22.30 "Суянгчи". Бадий фильм.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништилади:
10.00 — 13.00 "Аёллар, Сизлар учун!".

18.30 "Даниил". Мультифильм.
18.55 "Акс-садо".
19.25 "02" тўлқинида.
19.50 "Едингдам, дўстим...".
20.05 "Тошкент оқшомида".
21.05 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув (рус тилида).
21.50 — 22.20 "Коллекция".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Заречная кўчасида баҳор". Бадий фильм.
21.25 — 00.25 "Омад" таништилади: "Қитъа спорти".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.05 "Ҳаётимсан, театр!". "Роман" театрида Н. Сличковнинг юбилей кечаси.
18.30 "Тигиз пайт".
19.00 Пьер Ришар "Қора ботинкали новча киши" бадий фильмида (Франция, 1972 й.).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монолог".
21.50 "Қиш билан хайрлашув". Мусикий кўрсатув.
22.45 — 23.30 "Кино юлдузлари". Жан-Поль Бельмондо.

ПАЙШАНБА, 9

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 "Фармон ва ижро".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
12.00 "Хуқуқингизни биласизми?".
12.20 "Ешлар билан юзма-юз".
12.50 — 14.50 "Синов даври". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Фан уфқлари".
18.35 "Қария". Хужжатли фильм.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Осейшталек посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
19.40 Қодир Журакулов куйлайди.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Юрт ҳақида қўшиқ". Публицистик кўрсатув.
21.45 "Нодирабегим". Бадий фильм.
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Омад" таништилади:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиб".
18.55 "Бир гингил хангома".
19.05 "Ишингиз бароридан келсин!".
19.20 "Муҳаббатта ошно қалблар".

19.40 "Теле — ателье — шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
21.05 "Кинонигоҳ".
22.45 — 23.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Безнен мирас" (татар тилида).
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.40 — 23.10 "Кўнгил кўприклари".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиерий программа. Англиядан кўрсатилади.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Лун-Жан Люмьер.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиерий программа. Англиядан кўрсатилади.
20.20 "Москва, Кремль".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 — 23.20 Кино асри. "Генрих VIIIнинг шахсий ҳаёти". Бадий фильм (Буюк Британия, 1933 й.).

ЖУМА, 10

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Махтумқули". Бадий фильм.
10.25 "Кафолат".
10.55 "Ешлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
11.35 "Ўзингни эр билсанг...".
12.15 — 14.15 "Ешлик" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турон тулпорлари". Спорт кўрсатуви.
18.25 "Кашф этилаётган имкониятлар".
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 "Хиллол" студияси. "Авто плюс...".
19.40 Самарқанд вилоят филармонияси артистларининг концерти.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
21.45 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Яна Фармонбоби хонадониди".
22.30 "Муҳаббат можароси". Бадий фильм.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништилади:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Спорт — тайм" видеоканали:
— "Соккор-клуб".
— "Лидер".
— "Арт-спорт".
— "Юниор".
21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ешлик" студияси. "Талабалар сахнасида".
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништилади:
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
21.30 "Панорама".
22.00 "Компьютер — Осиё".
22.30 Ёшлар.
22.35 "Кимга қанақа?".
23.15 "Даракчи".
23.25 Ёшлар.
23.30 Видео — "О".
01.00 — 01.30 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Сизга қўшиқ куйлаб бераман".
18.20 "Инсон ва қонун".
18.50 Янгиликлар.
19.00 Мультифильм.
19.10 "Серпантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.50 "Муъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 — 22.45 "Детективлар клуби"да. "Машхур детективлар". Телевизион бадий фильм. 3-фильм — "Туртовлоннинг белгиси" (Франция, Швейцария, Германия).

ШАНБА, II

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Сиздан унинг, биздан бугун". Бадий фильм.
10.25 "Актерлар ва роллар". Тожиб

Норматов.
11.25 Нодира Султонова куйлайди.
11.55 Ўсмирлар учун. "Улғайиш поғоналари".
12.25 "Ешлик" студияси. "Муъжизалар оламида".
13.05 — 15.05 "Тимсол" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўзбек мультипликациясининг 30 йиллигига. "Кичкинтойларнинг сеvimли саройи".
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб...".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиоконпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ёшлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Назм ва наво". Фурқат лирикаси.
21.50 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.00 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништилади:

9.00 "Мультифейерверк".
9.25 "Жаҳон ҳайвонот боғлари".
9.45 Янгиликлар.
9.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадм".
10.10 Видеоид.
10.55 "Теле — ателье — шоу".
11.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар.
11.45 "Кинонигоҳ".
13.25 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").
13.45 — 18.30 "Спорт қитъаси".

"Тошкент" студияси таништилади:
18.30 Болалар учун. "Учкун".
19.00 "Билиб қўйган яхши".
19.25 "Хуқуқ ҳимоячилари".
19.55 — 21.35 "Кинематограф".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Хонадонингизга тинчлик-хотир-жамлик".
11.00 "Музик-холл".
11.30 — 12.00 "Тадбиркорлик мактаби".

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ешлик" студияси. "Гул ва ...".
20.35 "Интердиалог".
21.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.35 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".
22.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.15 "Бу ажиб дунё".
22.35 "Ўзбекистон чет элликлар нигоҳида".
23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Брўйн ринг".
18.50 "Улкан сайёра".
19.45 "Бешинчи бурчак". Телесериал, 5-серия (АҚШ, "Коламбия пикчерс").
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 — 22.45 "Каин ва Авел". Телесериал, 5-серия (АҚШ, "Коламбия пикчерс").

ЯКШАНБА, 12

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Кувноқ стартлар".
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 ЎзТВ хазинасидан. Э. Усмонов. "Қуриқхонада". Телеспектакль.
12.00 "Цирк! Цирк! Цирк!".
12.55 "Кўнгил мулки". Ҳ. Ҳ. Ниезий.
13.30 — 15.30 "Санъат сехри". Видеоканал.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

Uncle Ben's

«МАРС» фирмасининг расмий дистрибютори

Beş-Eğoc

фирмасида энг арзон баҳоларда сотилмоқда

«БЕШ ЕҒОЧ» фирмаси дўконларининг манзилгоҳлари: Олмазор кўчаси, 165. Телефон: 45-64-66

«Чилонзор» метроси яқинида. Телефон: 76-13-74

ФАХ: 45-62-36.

«Тошкентдан гапираниш ва кўрсатамиш» дастуридан.

10-хунар-техника билим юрти томонидан В. В. Лифановга берилган ЮС — 351206 рақамли диплом йўқолганлиги учун бекор қилинади.

Қатралар

ОҚИБАТСИЗЛИКНИНГ КАСРИ

Қўшниларнинг томорқаси билан боғимиз ўртасидан чегара қилиб четан тортилган.

Ўрик ниҳолининг бўйи четандан ошди. У ҳосилга киргунга қадар қўшнилари сеники-меникига бормай, ўртадаги меҳр-оқибат давом этди.

Ўрик ҳам ана шу аҳиллик ҳурмати шигил мева қилиб, шохлари эгилди. Уша кундан бошлаб ўртага ола мушук оралади.

— Ҳов овсин, ўрикнинг танаси биз томонда-ку, ҳосилдан ҳам биз кўпроқ баҳам кўрамызда-а?

— Ҳо, нимага сиз кўпроқ баҳам кўракансиз, шохининг кўпи биз томонга эгилган. Сояс ҳам деярли биз томонда. Демак, мевасининг ҳам кўпи бизники-да, — писанда қилди иккинчи қўшни.

Талаш-талаш бошланиб, мева етилиб пишишга сабр қилмай очафотдай ёпишишди. Бечора дарахт шип-шийдам бўлди-қолди. Келгуси йили эса сичқон қулоғидек аранг барг чиқарди. Ҳосилининг эти юпқа. Бир хилининг тумшугидан данаги кўриниб туради. У аҳён-аҳён ёнма-ён қўшнилари «Оқибатсиз экансизлар. Касофатингиз менга урди», дея маюс боқиб кўяди гўё.

БАҲИЛНИНГ БОҒИ

Отанинг янги ўтказган ниҳоллари қияроқ жойда. Тағидан оқаётган сувлар шилдири кўнгилга завқ бағишлайди. Қўшнисига эса ғам, алам. Юраги анордек эзилади. Гўё ўша сув унинг ош-нонини оқизиб кетаётгандай.

— Уникида сув гуркирайверсин-у менинг кўчатларим бир ичганича қуруқшаб ётаверсинми, — дея ариқ сувини шартта ўзи томонга буриб юборади.

Кечга яқин уйига келган дўсти унинг дарахтлари ҳолига ҳайрон.

— Ё тавба, — дейди у — жойинг асли ўтириқ бўлса, захи кетмасдан нега шунча сув қуйдинг? Сувинг ниҳоллар жонига заҳардай ёпишяпти. Қўшнингникига ўхшаб жойинг яноқмас-ку?

— Э ҳа, хаёлим қурсин, — уй эгаси андек ҳижолат чекиб, сувини яноққа бурди. Лекин дўсти кетиши билан яна билганидан қолмади. Лекин баҳиллиги ниҳолларнинг бошига етишини кўз олдиға келтирмасди. Бевақт сув ичаверганидан заҳоб тортган ниҳоллар илдизидан чириб, умри ҳазонга айланаверди.

Баҳилнинг боғи кўкармас, деганлари шу бўлса керак-да.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.




Ҳалима Бобоназарова Тошкентдаги А. Қодирий номли маданият билимгоҳидаги талабали к йиллари ўзтеперадио Компаниясининг Ғ. Тошматов раҳбарлигидаги дуторчи қизлар дастасига қатнашар эди. Эндилкида Ҳалима Самарқанднинг Оқтош шаҳридаги санъат мактаби ўқувчилари мураббийси. Уларга дутор чалишни ўргатади. Шогирдларидан Гулзода Нарзуллаева виллоят дуторчи қизлар кўрик-танловига ғолиб чиққан. Доно Бобоева, Маҳбуба Исомиддинова, Гулза Бахриддинова, Азиза Назаровалар ижро этаётган Марказий Осиё халқларининг куй, кўшиқ, лапарлари барчага манзур бўлмоқда. Суратда: даста раҳбари Ҳалима Бобоназарова ўз шогирдлари даврасида.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.




Газетамизнинг 17 февраль сониди берилган кўёнларнинг қулоғи юқоридагидек қилиб жойлаштирилиши лозим.

Синковлигинизни синаб кўринг



Юқоридаги икки жуфт доминоларнинг жойини шундай алмаштириш керакки, ҳар уч доминоларини ҳоҳ тиккасига, ҳоҳ ёнига қўшиб ҳисобласангиз 15 га тенг бўлсин.



но ҳолларини ҳоҳ тиккасига, ҳоҳ ёнига қўшиб ҳисобласангиз 15 га тенг бўлсин.

Ушбу доминолар ўриларини шундай алмаштирингки, ҳолларини ҳоҳ тиккасига, ҳоҳ ёнига қараб санаганингизда ҳам 17 га тенг бўлсин.

Илми нузум талқинлари

ДАЛВ (20.01—18.02) ойда тугилганлар учун бу ҳафта омадли ва осойишта келади. Шунинг учун ҳар қандай эзгу ишга қўл уриш мумкин. Бундан ташқари, бошлиқлар ҳузурига кириш, шартномалар тузиш, саёхатга чиқиш билан бемалол шугулланиш мумкин. Ҳафта давомида ҳар томонлама пок юриш қўлга кирадиган ютуқлар учун кафиллик беради.

ХУТ (19.02—20.03) ойда таваллуд топганлар бу ҳафта ичи янги салмоқли ишларга киришмасдан кундалик вазифаларини бажаришда давом этаверишлари мақсадга мувофиқ бўлур. Лекин раҳбарлар ҳузурига кириш ва сафарга чиқишларни тўхтатиб турганлари маъқул. Ойида эса, жуда эҳтиёткорлик билан ўзаро муомалада бўлмоқ даркор. Акс ҳолда арзимаган нарсадан катта жанжал чиқиши муқаррар. Айниқса, эр-хотиннинг бир-бирига хиенати жуда катта мусибатга сабаб бўлиши ҳам мумкин.

ҲАМАЛ (21.03—21.04) ойи фарзандлари учун бу ҳафта қутилмаган тасодиф ва воқеаларга бой бўлади. Жумладан, узоқ вақт кўрмаган таниш, қадрдонлар билан учрашув, хизмат иши бўйича ўзгаришлар, оила билан боғлиқ йирикроқ даромадга эга бўлишдай воқеалар қутилуру. Хизмат сафарига чиқиш, шартнома, битимлар тузиш кўзланган мақсадларга олиб келади. Бу кунларда ичкилик ичиш, гиеҳвандликка берилиш қатъий тақиқланади.

САВР (22.04—20.05) ойи фарзандлари учун бу ҳафта нахс келиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай юмушни тўхтатиб, оила билан дам олишни уюштириш, рўзгор камчиликларини тўлдириш билан шугулланган маъқул. Бу ҳафта мобайнида ота-оналарни зиерат қилиш, вафот этган бўлсалар дуойи-фотиҳалар қилиш хайрлидир.

ЖАВЗО (21.05—21.06) ойи фарзандлари учун бу ҳафтанинг дастлабки уч кун омадли, қолганлари нахс аралаш келиши мумкин. Шунинг учун режалаштирилган ишларни уч кун ичида қилиб ултуриш маъқул. Муҳаббат борада ҳам омад юришини шу кунларга тўғри келади. Тўртинчи кундан бошлаб ҳушёр ва зийрак бўлиш, зинҳор-базинҳор атроф-теваракдаги воқеаликларга бепарволикка йўл қўймаслик керак. Яхшиси, ҳар ким ўз соғлигининг ғамини егани маъқул. Шунингдек, бировнинг ҳақиға хиенат қилмаслик билан ҳафтадан эсон-омон ўтказишни ўйлашдан наф кўп.

САРАТОН (22.06—22.07) ойда тугилганлар учун бу ҳафта омадли саналади. Савдо-сотик, ижодий ишлар билан шугулланиш, сафарга чиқиш муваффақиятлар келтиради. Айниқса, орзу-ният қилинган маросимларни ўтказиш учун ҳафта қўлай келади. Яқин-йироқнинг қалбига йўл топиб, меҳрини қозониш ҳам тез ва осонлик билан рўебга чиқар. Хайр-эхсон беришлар ҳам маъқулдир.

АСАД (23.07—22.08) ойда тугилганлар учун ҳафта нахс келиши

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

катта ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу ўзгаришлар оилавий ҳаётда ёки хизмат соҳасида юз беради. Лекин молиявий соҳада бир оз омадсизлик сезилади. Ичкилик ичиш ва бузуқчиликка берилишдан йироқ юриш керак. Акс ҳолда юз берадиган ижобий ўзгаришлар тескари натижа бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

КАВС (22.11—21.12) ойда тугилганлар учун бу ҳафта омад ҳафтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳамма ишларга астойдил киришаверган маъқул. Кўп вақтдан бери қутилган учрашувлар рўй беради, хизмат жойида бошлиқ ва ходимлар ўртасида меҳр-оқибат юзага келади. Молиявий жиҳатлар бўйича ютуқлар юз бериши ҳар қандай ёлғон-яшиқ, гийбат, бўхтон ва тухматлардан сакланишларига ҳам боғлиқдир.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойда тугилганлар бу ҳафта ичи қанча эҳтиёткор ва қанча зийрак бўлсалар — нохуш ишлардан шунчалик сакланурулар. Бундан ташқари севги-муҳаббат борасида шошма-шошарлик билан иш тутишга киришишлардан ўзларини тўхтатиб турганлари дуруст бўлур. Ҳафта ичи содир бўлиши мумкин бўлган ножўя воқеаларни атрофдагилар билан ҳушмуомалада бўлиш ва бева-бечораларга хайр-эхсон қилиш орқали енгиш мумкин. Вадлоҳу аълам.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Сандакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Тургунбой МАДИЁРОВ,
Тургун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТУЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
• Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-24-98
Жиззахда — 2-31-41
Навоида — 3-52-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 4-28-29
Урганчда — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нарҳда.

• Жума кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Саидазим ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0123

1 2 3 4 5 6